

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 347,735 (575.1)

СҮҮНОВА ДИЛБАР ЖОЛДАСБАЕВНА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КРЕДИТ
МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА
СОЛИНИШИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МУАММОЛАРИ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи; тадбиркорлик ҳуқуқи;
оила ҳуқуқи; халқаро хусусий ҳуқуқ

**юримдик фанлар доктори илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация**

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2011

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтида бажарилган.

Илмий раҳбар: юридик фанлар доктори, ЎзР ФА академики,
профессор **Раҳмонқулов Ходжи-Акбар
Раҳмонқулович**

Расмий оппонентлар: юридик фанлар доктори, профессор
Рўзиназаров Шухрат Нуралиевич

юридик фанлар доктори
Умаров Толибжон Абдуазизович

юридик фанлар доктори
Синдаров Комил Ойдинович

Етакчи ташкилот: **Бердах номидаги Қорақалпоқ давлат
Университети**

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик институти ҳузуридаги юридик фанлар доктори (номзоди) илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.016.15.02 рақамли ихтисослашган кенгашнинг “___” йил “__” “_____” куни соат “___” даги йиғилишида бўлиб ўтади (100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик институтининг кутубхонасида танишиш мумкин (100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35).

Автореферат “___” йил “__” “_____” тарқатилди.

**Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби,
юридик фанлар номзоди**

**Туребеков Тимур
Мырзалиевич**

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Ишнинг долзарблиги. Мустақиллик қўлга киритилиши биланок Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти куриш йўлини танлади. Ушбу вазифаларни ҳал қилиш учун маъмурий-буйруқбозлик тизимидан мулкнинг турли шакллариға, уларнинг тенг ҳуқуқлилигиға, ҳуқуқий ҳимояланганлигиға, даҳлсизлигиға таянувчи муносабатларнинг бозор тизимиға ўтиш йўллари белгиланди.

Бозорға ўтиш муқаррар. Бу давр тақазоси, объектив воқелиқдир. Айни вақтда бозорнинг ўзи асл мақсад эмас, балки янги қадриятларни шакллантириш, кишилар фаровонлигининг сифат жиҳатдан янги босқичиға эриш усули, воситасидир¹. Бунда Ўзбекистоннинг банк-кредит тизими бизнинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида алоҳида ўринға эға. Банк тизимини қўллаб қувватлаш, модернизациялаш, техник янгилаш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, инновацион технологияларнинг кенг жорий қилиниши — инқирозни олдини олишнинг ва Ўзбекистоннинг дунё бозорининг янги марралариға чиқишининг ишончли йўлидир².

Бозор иқтисодиётининг ўрнатилишида банк кредити объектив муҳимдир. Бу иқтисодий қоидаларнинг амал қилиши ва товар-пул муносабатларининг мавжудлиги билан ҳамда иқтисодиётнинг ҳар хил секторларини қўллаб-қувватлашға қаратилган давлат сиёсати билан изоҳланади. Банк кредит ресурсларини реализацияси ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва моддий неъматлар муомаласини тезлаштириш га хизмат қилади, хусусан ссуда фоизи ҳўжалик юритувчи субъектларни қарзға олинган маблағларни тежамли харажатлаш, ички резервларни аниқлаш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, фойдани кўпайтиришға ҳаракат қилишиға олиб келади.

Назарий изланишлар ва амалиётнинг кўрсатишича, фуқаролик ҳуқуқий шартномалар ичида кредит ва қарз шартномалари алоҳида ўрин тутати, шу жумладан улар бизнинг иқтисодиётимиз шаклланишида ҳам муҳим аҳамиятли. «Бизнинг энг долзарб вазифаларимиздан бири, — деб кўрсатади Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов, — демократик жараёнларни чуқурлаштириш мақсадида барча ҳуқуқий ва ташкилий тадбирларни амалға ошириш бўлиб ҳисобланади ... Бошқача қилиб айтганда, бугун биз янги аниқ қадамлар ташлаб, “Адолат — қонун устиворлигида” тамойилини замонавий даражаға кўтаришимиз керак³. Президентимиз бир неча бор шартномавий мажбуриятларға риоя қилиниши ва уларнинг бузилиши учун жавобгарлик масалалариға эътибор қаратганлар, бу тўлиқ равишда кредит ва қарз шартномалариға ҳам тааллуқли бўлиб, уларсиз бозор мавжуд бўлиши ва фаолият юритиши мумкин эмас.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон миллий мустақиллик, иқтисод, сиёсат, мафкура. Ж.1. — Т.: Ўзбекистон, 1996. — 616.

² Каримов И.А. Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране. —Т.: Узбекистан, 2011.

³ Каримов И.А. Преданно служить Родине и своему народу — высшее счастье. —Т.: Узбекистон, 2007. — С. 70–71

Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга бўлган доимий талаби тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида тури сифатида, доимий равишда ва ҳақ эвазига қарз муносабатларини амалга ошириш учун янги имкониятлар яратади.

Хозирда, замонавий иқтисодий талабларни қондирувчи, мавжуд фуқаролик муомаласини кредит ва айниқса банк кредитисиз тасаввур этиб бўлмайди⁴. Хусусан, кредит – бу бизга маълум бўлган, маълум бир ўзига хос хусусиятларга эга қарз мажбуриятидир. Кредитнинг тадбиркорлик хусусияти, қарз берувчи ва қарздорнинг амалда тенг ҳуқуқли эмаслиги кредит муносабатларини бошқа қарз муносабатларидан аксинча ҳуқуқий тартибга солинишини кўрсатади. Мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш ва жамиятни демократлаштириш шароитида айнан ушбу муносабатларни тадқиқ этиш бизнинг ишимизнинг мақсади бўлиб ҳисобланади.

Хозирда мажбуриятлар соҳасида банк кредит мажбурияти тутган ўрнини илмий асословчи ягона қараш мавжуд эмас. Миллий ҳуқуққа хорижий қонунчиликнинг кўрсатаётган таъсири, айрим ҳолатларда ҳуқуқий масалаларни нотўғри тушунишга олиб келади, хусусан, банк кредит муносабатлари сифатида гаров муносабатлари ҳам ўрганилади.

Назарий ҳуқуқий асосларнинг етишмаслиги ҳуқуқ қўллаш амалиётида ҳам ўз таъсирига эга. Хусусан, банк кредит муносабати табиати кредит шартномаси квалификацияси, талаб қилиш ҳуқуқини ўтказиш, кредитни қайтариш, ҳисоб рақамлардаги пул маблағлари табиати масалаларининг мунозаралилиги. Айрим ҳолатларда суд амалиёти асоссиз равишда нотўғри, кредит муносабатлари ва кредит шартномасига зид қарорлар чиқариши ҳолатлари мавжуд. Бундай ҳолатлар, кредит муносабатлари ва кредит шартномаси конструкциясини такомиллаштиришни талаб этади. Хозирда суд органлари позицияси устунлик хусусиятига эга бўлиб, бунда банк кредит муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари намоён бўлмайди. Бунинг натижасида кредит муносабатлари ва шартномаси стандарт чегарлар доирасига олиб келинади.

Замонавий кредит қонунчилиги ва бошқа норматив ҳужжатлар ҳолатини банк кредит муносабатлари мазмунига тўла мос келади деб бўлмайди. Биринчи ўринда, бу пул кредит манбалари фаолиятига боғлиқ Фуқаролик кодекси қоидаларига тааллуқли. Амалдаги қонунчиликда кредит бериш ва қайтаришни ҳуқуқий тартибга солиниши етарли даражада эмас, шу ўринда, субсидиар тарзда банк кредит муносабатларида қўлланадиган қарз бўйича асосий қоидалар кредит шартномаси мазмунига зид келади. Янги фуқаролик қонунчилигида ҳам зиддиятлар мавжуд. Хусусан, бунда молиявий агент бўлиши мумкин бўлган иштирокчилар сафи кенгайганлиги, ҳар қандай тижоратчи ташкилотнинг банк соҳасига киришни очиб берди. Банк қонунчилигининг кўпи Фуқаролик кодексига зид келади, бу эса Марказий банкнинг қатор ҳужжатларини ижро қилиб бўлмаслигига олиб келади. Кўрсатилган ҳолатлар, амалдаги кредит

⁴ Кредит муносабатларининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, ушбу тадқиқотда “банк ва бошқа кредит муносабатлари тушунчаси” “банк” сифатида қаралади.

конунчилигини ҳар томонлама таҳлил этишни ва уни ҳуқуқий тартибга солиш бўйича таклиф ва хулосалар ишлаб чиқишни тақазо этади.

Мавзунинг долзарблиги банк кредит муносабатларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни чуқур назарий таҳлил қилиш зарурати, илмий асосланган ва амалда банк кредит муносабатининг мустақиллигини таъминлайдиган концепцияни ишлаб чиқиш муҳимлиги билан изоҳланади.

Ушбу ҳолатлар қарз мажбуриятлари соҳасида махсус илмий тадқиқотлар ўтказишнинг долзарблигини кўрсатмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: Қарз шартномасини тадқиқ қилиш сўнгги йилларда молиявий хизматларнинг бошқа шартномалари билан ўзаро боғлиқликда ўтказилди. Буларда асосан, умуман ҳуқуқий муносабатлар, уларнинг айрим унсурлари ўрганилди.

Хорижий мамлакатлар адабиётларида, кредит тушунчаси ва моҳияти, кредит муносабатлари ва уларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши масалалари анча кенг ўрганилган. Boldin Robert, Kenneth Leggett, Robert Strand, Emmons William, Schmid Frank, Keating Elizabeth, Frumkin Peter каби бошқа чет эл муаллифлари кредит муносабатлари ва кредит ташкилотлари масалаларини тадқиқ этишган⁵.

Банк кредит муносабатларининг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиниши масалалари яқин хориж олимлари томонидан ҳам ўрганилган. Ушбу муносабатларга қизиқиш банк тизимининг ислоҳ этилиши ва фуқаролик ҳуқуқий қонунчиликнинг ўзгариши билан ортган. Хусусан, ҳуқуқий билимнинг совет тузumi давридаги ривожланишида қуйидаги олимларнинг ишларида кредит ҳисоб-китоб масалалари таҳлил этилган А.В.Венедиктова, И.С.Гуревича, О.С.Иоффе, Ю.Х.Калмыкова, Я.А.Куника, Л.А.Лунца., В.К.Райхера, Р.О. Халфиной ва бошқалар.

Ҳуқуқий адабиётларнинг бугунги кундаги таҳлили банк кредит муносабатларининг назарий жиҳатлари ёритилишида изоҳланади. Шу билан бирга уларнинг бир тури хусусий ҳуқуқий характерда бўлса, иккинчи тури оммавий-ҳуқуқий, учинчиси эса комплекс характерда. Фуқаролик-ҳуқуқий

⁵ См. напр.: Boldin Robert, Kenneth Leggett, Robert Strand. Credit Union Industry Structure: An Examination of Potential Risks // Financial Services Review. 1998. –№7; Bundt Thomas, Jeffrey Chiesa, Barry Keating. Common Bond Type and Credit Union Behavior // Review of Social Economy. 1989. –№47; Burger A., Lypny G. Taxation of Credit Unions. – Madison, Wisconsin: Center for Credit Union Research and Filene Research Institute, 1991; Emmons William, Schmid Frank. Bank Competition and Concentration: Do Credit Unions Matter? // Federal Reserve Bank of St. Louis Review. 2000. –№82(3); Feinberg Robert The Competitive Role of Credit Unions in Small Local Financial Services Markets // Review of Economics and Statistics. 2001. –№83; Feinberg Robert, Aatur Rahman A Causality Test of the Relationship between Bank and Credit Union Lending Rates in Local Markets // Economics Letters. 2001. –№71; Fried Harold, Knox Lovell, Philippe Vanden Eeckaut Evaluating the Performance of U.S. Credit Unions // Journal of Banking and Finance. 1993. N2; Kaushik S., Raymond H. Profitability of Credit Unions, Commercial Banks and Savings Banks: A Comparative Analysis // The American Economist. 1996. –№ 40; Keating Elizabeth, Frumkin Peter. Reengineering Nonprofit Financial Accountability: Toward a More Reliable Foundation for Regulation. – The Hauser Center for Nonprofit Organizations, The Kennedy School of Government, Harvard University, Working Paper. –№4. 2004; Reams K. The Strategic Management of Accountability in Nonprofit Organizations: An Analytical Framework // Public Administration Review. 1994. – №54 (2). notfor-profit Status Constrain the Behavior of Credit Unions? // The Journal of Applied Business Research. 1989. – №5; Kohers Theodor. Parent Organization's Activities as a Cause for Differential Credit Union Operating Characteristics // Southwest Journal of Business and Economics. 1986. –№22; Kohers Theodor, Mullis David. The Effects of Parent Company Business Occupational Credit Union Behavior // Applied Economics. 1986. – №18; Srinivasan Aruna, King Frank. Credit Union Issues // Economic Review. 1998. –№3; Warfield T., Pfenning S. Financial Reporting by Credit Unions In the United States. – Center for Credit Union Research and Filene Research Institute, 1991.

йўналишдаги илмий изланишлар доирасида кредит шартномаси тушунчаси, уни тузиш ва бажариш масалаларига бағишланган ишлар кўп учрайди (Н.Н.Арефьева, Е.А.Владимирская, Н.П.Бычкова, А.А.Жугов, О.О.Шевалеевская ва бошқалар), шу жумладан юридик шахслар иштирокидаги масалалар (Н.В.Бандурина, М.В.Карпов, др.). Кўриб чиқилган ишларда қиёсий тахлилий ишлар ҳам мавжуд (Е.И.Воронина, Р.И.Каримуллин ва бошқалар). Банк кредит муносабатларидаги кредит мажбуриятларини бажарилишини таъминлашга бағишланган айрим ишларни кўриш мумкин (В.В.Кресс, В.В.Масло, С.А.Тараканов ва бошқалар) ва хусусан ипотека кредитлаштириш масалалари бўйича (О.А.Ковалева, М.М.Орлова, Е.С.Рогова, Л.Б.Ротманов, Е.С.Филиппова ва бошқалар); пул мажбуриятлари (Р.Г.Юсипов ва бошқалар) ва кредит соҳасида талаб қилиш ҳуқуқини ўтказиш масалалари (Е.К.Степаненко ва бошқалар).

Банк кредит муносабатларининг айрим масалалари тадбиркорлик (К.Ю.Артюх, Е.А.Боннер, Г.Н.Гаибова, Л.Д.Ибадова, Д.В.Пристансков ва бошқалар) ва банк ҳуқуқи доирасида (О.В.Боброва ва бошқалар) тахлил этилган. Банк кредит муносабатларини фуқаролик ҳуқуқий тартибга солишнинг умумий жихатдан (О.М.Олейник ва бошқалар) ва махсус жихатдан ўрганишда ўз аксини топган, хусусан, банк битимларини ўрганиш доирасида (В.Г.Голышев, Л.Г.Ефимова ва бошқалар), кредит ташкилотлари ҳуқуқий ҳолати (К.Т.Трофимов ва бошқалар), ҳисоб-китоб муносабатлари (Л.А.Новоселова ва бошқалар). Айрим банк кредитт муносабатларининг долзарб масалалари ўхшаш мавзулар доирасида, пул (Д.Г.Лавров, А.Б.Ипатов, Г.Н.Богдановская, А.Б.Янишевский, Е.В.Тирская, С.А.Кмить, М.Г.Бакуева ва бошқалар) ва гаров каби мавзулар доирасида ўрганилган (Л.А.Блинников, А.В.Степанюк ва бошқалар)⁶.

Ўзбекистонда кредит муносабатларининг умумий ва хусусий масалаларини ўрганиш қатор тадқиқотлар олиб борилганлиги билан изоҳланади. Миллий муаллифлардан Ш.Абдуллаева, М.Бабаджанов, О.Бобожонов, Т.Бобокулов, С.С.Гулямов, О.Иминов, Т.Кочергина, Д.Пулатов, Х.Раҳманкулов, Ш.Рузиназаров, Ш.Рузметов, Б.Б.Самарходжаев, О.Окюлов, Р.Рузиев, Х.Тогаев, С.С.Хамраев, М.Усманов, С.Ходиев,

⁶ Агарков М.М. Основы банковского права: курс лекций. Научное исследование 2-е изд. – М., 1994; Иоффе О.С. Избранные труды: В 4 т. Т. III: Обязательственное право. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2004; Компанец Е.С., Полонский Э.Г. Применение законодательства о кредитовании и расчетах. – М., 1967; Лунц Л.А. Деньги и денежные обязательства в гражданском праве. – М., 1999; Малеин Н.С. Кредитно-расчетные правоотношения и финансовый контроль. – М.: Наука, 1964; Алексеев А.А. Правовое регулирование банковского кредитования физических лиц: Дис... канд. юрид. наук. – М.: РГБ, 2008; Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право: Общие положения. – М., 1997; Голышев В.Г. Сделки в кредитной сфере. – М., 2003; Ефимова Л.Г. Банковские сделки: право и практика. – М., 2001; Жугов А.А. Проблемы гражданско-правового регулирования отношений по кредитному договору: Автореф. дис. ... к.ю.н. – М., 2004; Захарова Н.Н. Кредитный договор. – М., 1996; Павлодский Е.А. Договоры организаций и граждан с банками. – М., 2000; Гражданское право. В 2 т. Т. II. Полутом 2: Учебник / Отв. ред. проф. Е.А. Суханов. 2-е изд. перераб. и доп. – М., 2000. (автор гл. 49 «Договоры займа и кредита и финансирования под уступку денежного требования» Е.А. Суханов); Соломин С.К. Теоретические проблемы гражданско-правового регулирования банковских кредитных отношений: Автореф. дис. д.ю.н. – М., 2010; Братко А.Г. Банковское право в России: вопросы теории и практики. – М., 2007; Тосунян Г.А., Викулин А.Ю., Экмалин А.М. Банковское право Российской Федерации. Общая часть: Учебник / Под общ. ред. акад. Б.Н. Топорнина. – М., 1999; Вишневский А.А. Банковское право: Краткий курс лекций. – М., 2002; Олейник О.М. Основы банковского права: Курс лекций. – М.: Юристъ, 1997; и мн. др.

Ж.Т.Холмуминов, О.Хазраткулов ва бошқалар кредит муносабатларининг у ёки бу жиҳатларини тадқиқ этганлар⁷. Лекин улар ушбу муносабатларни иқтисодий жиҳатдан ўрганган ёки бошқа хусусиятларини таҳлил этган.

Кўрсатилган ва бошқа бир қатор асарларнинг таҳлил шуни кўрсатадики, мавжуд олиб борилган тадқиқотлар, кредит муносабатларини иқтисодиётнинг банк секторининг унга бўлган таъсири нуқтаи назаридан ўрганилмаган. Банк кредит муносабатлари соҳасидаги илмий ишлар, ушбу соҳада фуқаролик-хуқуқий асосларнинг мавжудлигини кўрсатмайди, банк хизматлари фаолиятини фуқаролик-хуқуқий тартибга солиш механизмининг таъсирини пасайтиради.

Шундай қилиб, кредит муносабатларини хуқуқий йўлга солиш муаммоларини ҳал қилиш, шубҳасиз, илмий ва амалий қизиқиш уйғотади. Бу диссертация тадқиқоти мавзусини танлашга туртки бўлди.

Диссертация ишининг ИТИ мавзулари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти мавзуси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академик И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти илмий тадқиқот ишлари мавзули режасига киритилган ҳамда Фалсафа ва ҳуқуқ институти Илмий кенгашининг 2008 йил 26 декабрдаги №11 сонли баённомаси билан тасдиқланган.

Тадқиқот мақсади. Диссертация тадқиқотининг асосий мақсадлари: кредит муносабатларини ҳар томонлама комплекс илмий-назарий таҳлил қилиш; кредит муносабатларини хуқуқий бошқаришни тадқиқ қилиш; кредит пул мажбуриятларини йўлга солувчи меъёрларни қўллаш амалиётини ўрганиш; кредит муносабатларини хуқуқий йўлга солиш муаммоларининг турғун ва ҳаракатчан ҳолда ўрганиш; бозор иқтисодиёти шароитларида кредит институти қонунчилигини такомиллаштириш ва хуқуқни қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдир.

Тадқиқот вазифалари. Белгиланган мақсадларга эришиш учун куйидаги вазифаларни ҳал қилиш заруриятини аниқлаб берди:

– фуқаролик ҳуқуқида “кредит” ва “кредит хуқуқий муносабатлари” туркумларининг хуқуқий жиҳатларини тадқиқ қилиш;

– кредит хуқуқий муносабатлари ҳамда кредит фаолиятининг ва уларнинг таснифли аломатларини ва хуқуқий табиатини аниқлаш;

⁷ Абдуллаева Ш.З. Халқаро валюта-кредит муносабатлари. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2005. –Б. 588; Бабаджанов М. Время формальных отношений прошло // Хозяйство и право. – 1999. – № 11–12. – С. 138; Бобожонов О. Банк кредити тушунчаси // Huquq va burch. – Т., 2007. – №10–11. – Б. 106; Бобокулов Т.И. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш: муаммолар ва ечимлар: и.ф.д. ... дис. автореф. – Т., 2008; Иминов О.К. Бозор иқтисодиёти шароитида кредит тизими ва уни такомиллаштириш масалалари: иф.д. ...дис. автореф. – Т.: УзРБМА, 2001; Кочергина Т. Правовой режим лизинговых обязательств // Фуқаролик қонунчилиги: муаммо ва ечимлар мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари. –Т.: ТДЮИ, 2004; Пулатов Д. Кредитная политика коммерческого банка и его планирование // Девятнадцатые Международные Плехановские чтения. Российская Академия им. Г.В. Плеханова. – Т., 2006. – С.200–202; Рахманкулов Х.Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига шарҳлар. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунеси, 1998. – Биринчи қисмга I-жилд; Рузметов Ш.Б. Ўзбекистон тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлаш йўллари: Дис. канд. экон. наук. – Т.: БФА. – 2009; Рўзиев Р.Ж. Договорно-правовые проблемы имущественного найма в условиях рыночной экономики. Автореф. дис. ... д.ю.н. –Т., 2002; Рўзиев Р.Ж. Лизинг шартномаси. –Т.: Адолат, 2002; Тогаев Х. Карз ва кредит // Бюллетень Верховного суда Республики Узбекистан. –Т., 2006. –№4. –С. 37–38; Ходиев С.М. Особенности процентной политики по депозитным операциям коммерческих банков // Проблемы формирования и развития рыночной инфраструктуры в условиях углубления экономических реформ. – Т., 2006. – С.82 – 84; Хазраткулов О.Т. Лизинг муносабатлари ва уларни хуқуқий тартибга солиш муаммолари: ю.ф.н. дис. .. автореф. –Т., 2006.

- кредит ҳуқуқий муносабатларининг ўзига хос субъект таркибини тадқиқ қилиш;
- пул шартнома мажбуриятлари тизимидаги кредит шартномасининг ўрнини аниқлаш;
- кредит мажбуриятлари предмети ва мазмунини, шунингдек, ушбу ҳуқуқий муносабатларнинг тамойиллари ва асосий турларини таҳлил қилиш;
- кредит шартномасининг тўлов хусусиятларини таърифлашнинг ўзига хосликларини белгилаш;
- кредит шартномаси бўйича томонларнинг мажбуриятларини аниқлаш, ўзгартириш ва тўхтатишнинг ўзига хослигини очиқ бериш;
- кредит шартномаси бўйича томонлар мажбуриятини бажармаганлиги ёки тегишли тарзда бажармаганлиги учун жавобгарлик чораларини қўллаш муаммоларини белгилаш;
- меъёрий манбалар таҳлили ва кредит мажбуриятлари илмий-назарий тадқиқотлари асосида амалдаги қонунчилик ва ҳуқуқини қўллаш амалиётини такомиллаштириш учун таклифларни шакллантириш.

Тадқиқот объекти. Кредит шартнома мажбуриятларининг вужудга келиши, бажарилиши, ўзгартирилиши ва тўхталиши жараёнида шаклланадиган ҳуқуқий муносабатлар тадқиқот объектидир.

Тадқиқот предмети. Пул мажбурияти тури сифатидаги кредит шартномасини қўллашни йўлга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиёти тадқиқот предмети.

Тадқиқотнинг услубий ва назарий асоси. Илмий тадқиқот усулларининг кенг кўлами тадқиқотнинг услубий асосига айланди. Ишда қиёсий-ҳуқуқий, тизимли-ҳуқуқий усуллар, мантикий-таҳлил усули ва тадқиқотнинг бошқа усулларидан фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, фуқаролик ҳуқуқи соҳасидаги маҳаллий ва хорижий олимларнинг ишлари тадқиқотнинг назарий асосидир.

Тадқиқотнинг эмпирик асосини Ўзбекистон Республикасининг кредит муносабатларини йўлга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, замонавий шароитларда кредит шартномасини қўллаш амалиёти, кредит мажбуриятларидан келиб чиқувчи бахсларни ҳал қилишнинг суд амалиёти ташкил этди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

1. Кредит ҳуқуқий муносабати тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди: кредит ҳуқуқий муносабати бу банк (бошқа кредит муассасаси) ва қарз олувчи ўртасида кредит бойлиги ҳаракати бўйича, пуллик ва муддатлик хусусиятларига эга ҳолда, аниқ ва стабил алоқалар талабида, шартномавий шакллар билан таъминланган (кредит шартномаси, банк ҳисоб-рақами шартномаси) муносабатлар.

2. Кредит муносабатига таъсир кўрсатувчи тамойиллар тизими ишлаб чиқилди. Бундай тамойиллар сифатида қуйидагилар кўрсатилди:

- банкнинг фақат мутлақ кредитор томонида иштироки тамойили (банкнинг кредитни бериш ва қайтариш бўйича барча ҳаракатларда иштирокининг муҳимлигини белгилайди);

– кредит сифатида фақат пуладн фойдаланиш тамойили (бу тамойил банк кредит фаолиятига асосланади, чунки банк фаолиятида мавжуд бўлиб, банк фаолиятнинг фақат битта кредит манбаларини жойлаш бўйича вазифаси кредит бажарилишига мос келади);

– фақат кредит шартномаси тузилишидан фойдаланиш тамойили (кредит томонидан махсус молиявий институт (банк) иштирокини ва махсус шартларни назарда тутувчи консенсуал кўринишда тузилган ушбу шартномадан чекланган соҳада фойдаланилишига асосланади);

– банк кредитлашининг стабиллиги тамойили (дастлабки кредит мажбуриятини оғирлаштирувчи банк ҳаракатларига йўл қўймаслик, шунингдек банк кредитлаши шартларини бир томонлама ўзгартирилмаслиги);

– кредит шартномаси тарафларининг алоқалари мустаҳкамлиги тамойили (кредит манбаларига талаби бўлган тарафлар, уредиторнинг нафақат инсофлилиги, балки белгиланган муддатда ва миқдорда маълум пул суммасини олишда манфаатдор, бу ўз навбатида уни сарфлашни режалаштириш имконини таъминлайди).

3. Банк операцияларининг банк кредит муносабатлари билан ўзаро алоқаси аниқланди. Кредит операцияси якуний тарзда банк-кредиторга пул маблағларини қайтарилишини таъминлаш фаолиятига боғлиқ. Ушбу ҳолат банк кредит муносабатларини банк соҳаси ва банк соҳаси бўлмаган муносабатларга ажратиш имконини бермади. Банк кредит муносабатлари бўйича ҳаракатлар банк соҳасида мавжуд бўлиб, фақат унинг таркибида амалда бўлади. Кредит операцияси моҳиятига зид бўлган ҳар қандай ҳаракатлар, улардан келиб чиқадиган оқибатларнинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

4. Банк кредит муносабатларига банк соҳаси ўзининг таркибий элементлари – банк, кредит операцияси, кредит фаолияти билан тартибга солувчи аҳамият касб этади. Бунда банк соҳаси алоҳида иқтисодий соҳа сифатида қаралиб, банк кредит муносабатларининг ашклланишига таъсир кўрсатади.

5. Фуқаролик ҳуқуқий мажбуриятларнинг бекор бўлишида қўлланадиган махсус нормаларнинг банк кредит муносабатларига ўзига хос хусусиятлари аниқланди. Бундай таъсирнинг ўзига хос таъсири банк кредит муносабатларида пул маблағларининг банк-кредитордан қарздорга ва қайта ҳаракатланишига боғлиқ. Бирламчи банк кредит муносабатларида, бундай асосларнинг қўлланиши қраз олувчи томонида қарзнинг вужудга келишига қаратилмаган, ҳар қандай шартномавий муносабатнинг бекор бўлишига олиб келувчи банк кредит муносабати моҳиятига зид бўлганлари чекланади. Иккиламчи кредит муносабатларида фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятларнинг тугатилиши асосларини қўлланиши фақат банк кредити тамойилларини бузмайдиган, қарзни қарздор томонидан қопланишига олиб келувчи қоидалар билан чекланади.

6. Кредит шартномасини тузиш диспозитив усулидан фойдаланган ҳолда хусусий ҳуқуқий (фуқаролик қонунчилиги) билан йўлга солинади. Кредит шартномасини тузишда вужудга келадиган муносабатлар горизонталдир.

7. Кредит шартномасининг муҳим шартларига шартнома предметини белгиловчи шартлар: қарз миқдори, уни қарз олувчига бериш ва етказиш муддати (муддатлари), олинган қарзни қайтариш муддати (муддатлари) ва тартиби, қарз берувчига қарздан фойдаланганлик учун фоизлар миқдори ва тўлаш тартиби киради.

8. “Кредит шартномаси” туркуми фақат шартномани англатиш учунгина хизмат қилиши мумкин. Бу шартнома бўйича банк ёки қарз берувчи ташкилот (қарз берувчи) қарз олувчига шартномада кўрсатилган миқдорда ва шартларда пул маблағини (қарз) бериш мажбуриятини, қарз олувчи эса олинган пул маблағини қайтариш ва унга фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

9. Кредит фаолиятининг муҳим мезонлари ишлаб чиқилди:

– бу фаолиятнинг ташкил этувчи унсур сифатидаги банк фаолиятининг кўриниши;

– доимий амалга ошириладиган кредит фаолиятлари (кредит битимлари ишлари) тизимидан иборат бўлган фаолият;

– банкнинг пул маблағларини ўз номидан ва ўз ҳисобидан (буларнинг шаклланиш манбаидан қатъий назар) жойлаштириш билан боғлиқ фаолият;

– бу фаолият банк фаолиятининг бир кўриниши бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Марказий банки рухсатномаси асосида тегишли субъект (банк ёки бошқа қарз берувчи ташкилот) томонидан амалга оширилади.

10. Кредит шартномасининг консенсуал бўлиши қарз олувчининг кредит берилиши ҳуқуқини мажбурий равишда таъминланишига олиб келиши, банкка ўзгалар пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоизлар тўлаш каби салбий оқибатлар тегишлилиги, ўз навбатида неустойканинг бир тури сифатида намоён бўлиши асослантирилди. Фоизларнинг қўлланиш соҳаси фақатгина иккинчи томонда қарзни қайтариш мажбурияти бўлганлигида бўлмаслиги асослантирилди. Кўрсатилган фоизлар доимо қарздор томонида кредиторга берилиши керак бўлган пул маблағлари бўлганлигида қўлланади.

11. Қарз олувчининг кредит берилишини талаб қилиш ҳуқуқи, агар шартномада ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, бошқа шахсга ўтказилиши мумкинлиги асослантирилди. Қарз олувчининг кредаит берилишини талаб қилиш ҳуқуқи бевосита кредитор шахси билан боғлиқлиги билан белгиланмайди. Кредитор шахсига боғлиқ бўлган ҳуқуқлар уларнинг фақат бир шахсга тегишлилиги билан чекланади, бу эса дастлабки банк кредит мажбуриятида цессиянинг чекланишида узлуксиз алоқани рад этади. Цессияни чеклашда шахсий ишончни қўлланиши ҳам асос бўлмайди, чунки бу фидуциар битимни изоҳлайди. Кредит олиш бўйича талаб қилиш ҳуқуқини ўтказиш ва қарзни ўтказишга банк розилигини олишда ўзаро алоқа мавжуд эмас. Бу ҳолат кредит шартномаси тузилишида ва қарздор томонидан кредит берилишини талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келишида қарз хали вужудга келмайди.

12. Банк кредит муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг оптимал тартиби тўғрисида хулоса қилинди. Банк кредит муносабатларининг етарли даражада ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги, шунга ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи нормалар қўлланишида ифодаланид. Шундай нормаларнинг қўлланиши банк кредит муносабатларининг моҳиятига зид, бу эса банк кредит муносабатларини тартибга солувчи Фуқаролик кодексида

“Банк кредити” боби киритилиши билан фуқаролик қонунчилигини такомиллаштирилиши талаб қилади. Фуқаролик қонунчилигининг такомиллаштирилиши банк кредит муносабатларининг кенгайиши, тамойилларни аниқлаш ва мустахкамлаш, бундай муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши, бекор бўлиши ва ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи нормалар ишлаб чиқилиши йўлидан бориши керак.

13. “Кредит беришни рад этишни регламентация қилиш тўғрисидаги Низом” ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши кераклиги асослантилди. Бу банкнинг кредит беришда ноқонуний ҳаракатларининг олдини олишга хизмат қилади. Ушбу Низомга асосан банк кредит беришни рад этишини тўлиқ асослаб бериши шарт бўлиши керак.

14. Кредит берилишини тартибга солувчи норматив ҳужжатларни тизимлаштирилишини амалга ошириш зарурлиги асослантилди. Бу улардаги ўзаро тўғри келмайдиган, қайтариладиган қоидаларни чиқариб ташлаш, қонун ости ҳужжатлари билан тартибга солинадиган масалалар доирасини қисқартириш, тижоратчи банклар манфаатларининг бир томонлама ҳимоя қилиниши олдини олиш имконини бериши асослаб берилди.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий Ҳўжалик судининг “Кредит шартномаларини тузиш ва бажариш бўйича низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Пленум қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги кредит муносабатларини ҳуқуқий йўлга солишнинг мажмуали монографик таҳлили ўтказилганлигидан иборат. Тадқиқот предмети бўйича адабиётларни ҳамда ҳозирги даврдаги кредит ҳуқуқий муносабатларини қўллаш амалиётини ўрганиш қарз муносабатларини йўлга солувчи амалдаги қонунчилик, меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлардаги қатор жиддий камчиликларни аниқлашга имкон берди, булардан келиб чиққан ҳолда амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритилди.

Диссертацияда илк бор ҳам фуқаролик, ҳам банк ҳуқуқлари қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда банк томонидан кредит тизимли ўрганилган ва, айнан банк томонидан кредитнинг моҳияти, ҳуқуқий табиати чуқур тадқиққа тортилган, “кредит” тушунчаси иқтисодий ва ҳуқуқий нуктаи назардан қиёсий таҳлил қилинган, банк қарзларининг асосий кўринишлари кўриб чиқилган, “кредит амалиёти” тушунчаси очиқ берилган, унинг “кредит битимлари”дан фарқли жиҳатлари аниқланган, кредит фаолиятининг таркибий қисмлари ажратиқ кўрсатилган. Банк томонидан қарз берилишини ҳуқуқий йўлга солиш муаммолари фуқаролик ва банк қонунчилиги меъёрларининг ўзаро боғлиқлигида ўрганилган, банк фаолиятида вужудга келадиган мушкулотларни бартараф этишнинг асосий йўллари белгилаш мақсадларидаги кредит шартномаси тадқиқи ўтказилган, қарзга пул маблағларини тақдим этиш ва уларни қайтариш механизмлари таҳлилдан ўтказилган. Кредит шартномаси ҳуқуқий табиатини тадқиқ қилиш масалаларининг кенг доираси бўйича илмий қарашларни кўриб чиқиш, шартнома тузиш, унинг ривож динамикаси, жавобгарлик тўғрисидаги қоидаларнинг батафсил таҳлили янги натижаларга ва умумлашган ҳулосаларга олиб келди. Диссертацияда монографик адабиётда тадқиқотга

тортилмаган кредитни йўлга солишнинг меъёрий базасидаги сўнгги ўзгаришлар таҳлилдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация тадқиқотининг илмий-амалий аҳамияти унинг долзарблиги, илмий янгилиги ҳам назарий, ҳам амалий хусусиятдаги хулосалари билан белгиланади. Тадқиқотда келтирилган мулоҳазалар ва хулосалардан кредит муносабатларини йўлга солувчи ҳуқуқий меъёрларни такомиллаштириш, ҳуқуқий йўлга солишнинг аниқланган нуқсонлари, зиддиятлари ва етишмовчиликларини бартараф қилиш мақсадлари борасидаги қонунчилик фаолиятида, кредит муносабатларини келгусидаги илмий ўрганишда, ҳуқуқни қўллаш фаолиятида, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ихчамлаштириш учун фойдаланиш мумкин. Тадқиқот материалларидан фуқаролик ва банк ҳуқуқи ишларида, “Фуқаролик ҳуқуқи”, “Банк ҳуқуқи” ўқув курсларини, “Шартнома ҳуқуқи” ва бошқа махсус курсларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Кредит муносабатлари масалаларини йўлга солувчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги меъёрларини такомиллаштириш бўйича айрим таклифлар ва хулосалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасига йўлланди (19.04.2011 йилдаги № 06/1-02 сонли, 21.10.11 йилдаги №05-18/763 жорий қилиш далолатномаси), шунингдек, ҳуқуқ меъёрларини амалда қўллашни такомиллаштириш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва Олий ҳўжалик судларига йўлланган (2011 йил 18 майдаги № ПЛ-11-11, 2011 йил 14 майдаги № 09-09/2176 сонли қайдномалар).

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация Фуқаролик-ҳуқуқий фанлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ҳузуридаги Юристарлар малакасини ошириш маркази Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари кафедраларининг қўшма мажлисидаги илмий-назарий семинарида ҳамда 2011 йил 18 апрелда академик И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти илмий семинарида ижобий баҳоланди. Илмий тадқиқотнинг айрим бандлари ва муаллиф хулосалари “Замонавий халқаро муносабатлар” анжуманидаги маърузада акс этган.

Натижаларнинг нашр қилинганлиги. Диссертация тадқиқоти натижалари муаллиф томонидан нашр қилинган “Проблемы заемно-кредитных обязательств в системе гражданских правоотношений” (Тошкент, 2009) монографиясида ўз аксини топган. Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг “Кредит ва қарз олиш” 41 боби изоҳланган, тадқиқотнинг асосий натижаларини акс эттирувчи 21 та илмий мақола, шу жумладан конференция материаллари тезисларида, Ўзбекистон Республикаси ҳамда яқин хориж мамлакатларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг тузилиши тадқиқот предмети мақсади ва вазифаларидан келиб чиқади ва шунга мос равишда Кириш, тўртта боб (15 параграфдан иборат), хулоса ҳамда фойдаланилган манбалар ва адабиётларни ўз ичига олади. Диссертация ҳажми 268 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг биринчи боби **“Кредит ҳуқуқий муносабатлари ва кредит шартномаси тушунчаси”**да фуқаролик ҳуқуқидаги “кредит” ва “кредит ҳуқуқий муносабатлари” туркумларининг ҳуқуқий жиҳатлари, кредит фаолиятининг ҳуқуқий масалалари, гкредит операцияларининг фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятлари, кредит шартномаси тушунчаси ва таркиби тадқиқ қилинди.

Ҳуқуқий адабиётда “кредит” ва “кредит ҳуқуқий муносабатлари” атамалари, одатда, кредит шартномаси соҳаларидан анчагина четланувчи буларнинг кенг маъносида қўлланилади. Бу нафақат ҳуқуқшунослар томонидан кредитнинг иқтисодий мазмунини англаш, балки, шўролар давридаги кредит – ҳисоб-китоб ҳуқуқий муносабатлари деб аталмиш муносабатлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларининг алоҳида мустақил тоифаси сифатида қаралганлиги билан ҳам изоҳланади. Шунга боғлиқ ҳолда муаллиф ушбу масала бўйича маҳаллий ва хорижий муаллифлар мулоҳазаларининг кенг доирасини таҳлилдан ўтказди. Масалан, В.Г. Голышев “кредитнинг унинг барча иқтисодий хусусиятларини батафсил тарзда акс эттирадиган ҳуқуқий таърифини келтиришнинг иложи йўқлиги тўғрисида” “биринчидан, кредит ҳуқуқий муносабатлари тушунчасини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилувчи иқтисодий ходиса; иккинчидан, кредитни ҳуқуқшунослик нуқтаи назаридан таърифлаган ҳолда вужудга келадиган муносабатларнинг иқтисодий мазмунини ҳуқуқий шаклда акс эттириш зарурлиги” тўғрисида мулоҳаза юритган ҳолда бошқа бир туркумдан: “кредит соҳасидаги битимлар”дан фойдаланишни таклиф этади. Шу аснода “мазкур туркум ҳуқуқий таърифга эга бўлган “битим” атамаси ҳамда расмий таърифга эга бўлмаган “кредит соҳаси” атамаси билан берилганлигини тушунилади”. Муаллифнинг ўзи эса “кредит соҳасидаги асосий битим “кредит шартномасидир” деб фараз қилади. “Бу маънода ҳам, - деб ёзади В.Г. Голышев, асосий, - кредит мажбуриятларини таъминлашга йўналтирилган битимлар иккиламчидир. Буларга энг аввало банк амалиётида энг кўп қўлланиладиган қарз маблағларини тақдим этиш билан боғлиқ гаров, кафиллик ва банк кафолати киради.

Маълумки, амалдаги ЎЗР ФК тегишли муносабатларни йўлга солиш мақсадлари учун қарз мажбуриятининг махсус кўриниши – тижоратли кредитни кўзда тутган ҳолда “кредит” туркумини иқтисодий маънода қабул қилган. Тижоратли кредит (коммерческий кредит) мажбурияти ҳар қандай фуқаролик-ҳуқуқий шартномасида кўзда тутилиши мумкин бўлиб, унинг бажарилиши бошқа томоннинг мулки қилиб турдош аломатлар билан белгиланувчи пул қийматлари ёки бошқа буюмларни, шу жумладан, бўнак, олдиндан пул тўлаш, махсулотлар, ишлар ёки хизматларни маълум муддатга суриш ҳамда бўлиб-бўлиб ҳақ тўлаш билан боғлиқдир. Шу аснода ФКда “тижоратли кредит” туркумининг пайдо бўлиши “кредит муносабатларининг асосий мажбуриятлари йўқ бўлишига олиб келмади. Тижоратли кредит бўйича ҳуқуқий муносабатлар томонлар тузган шартнома доирасида шартномани аралаш шартномага

айлантирган ҳолда асосий мажбуриятлар (махсулотлар етказиб бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) билан бирга бормоқда”.

“Кредит” категорияси иқтисодий фанда банк, махсулот ва тижорат кредитнинг барча турларини англатувчи умумлашган тушунчадан иборат бўлиб, кредитнинг иқтисодий табиатини аниқламасдан туриб, уни ҳуқуқий йўлга солишнинг имкони йўқ. Ҳуқуқий маънодаги “кредит” категориясига келганда эса у ўзининг кўп қирали хусусиятига қарамай, у қадар глобал аҳамиятга эга эмас. Энг аавало, мазкур категория шартнома мажбуриятларининг уч турини: кредит шартномаси, махсулот кредит шартномаси ва тижоратли кредит (буларнинг сўнггиси алоҳида шартнома шаклини вужудга келтирмайди, балки бошқа фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларининг томонлари кўзда тутадилар) мажбуриятларини англатиш учун хизмат қилади. Фуқаролик ҳуқуқида иқтисодий маънодаги “кредит”, “кредит ҳуқуқий муносабатлари” категорияларига фуқаролик ҳуқуқида “қарз олиш” “қарз олиш мажбуриятлари” ҳуқуқлари энг кўп даражада мос келади. Айнан қарз шартномаси барча ҳуқуқий муносабатларни қамраб олади. Чунки у амалдаги ЎзР ФКда яратилган бўлиб, унга мувофиқ бир томон пул ёки алмаштириладиган буюмларни етказиб беради. Бошқа томони эса айнан шундай пул қийматини ёки худди шу турдаги ва сифатдаги буюмлар миқдорини қайтариш мажбуриятини олади.

“Кредит шартномаси” категорияси фақат банк ёки бошқа қарз берувчи ташкилот (қарз берувчи) қарз олувчига шартномада кўзда тутилган миқдор ва шароитларда қарз олувчига пул маблағларини (қарзни бериш), қарз олувчи эса олинган пул миқдорини қайтариш ва у бўйича фоизлар тўлаш мажбуриятини англатадиган шартномани кўрсатиш учун хизмат қилади (ФК нинг 744-моддаси).

Кредит фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки рухсатномаси асосида тегишли субъект (банк ёки бошқа қарз берувчи ташкилот) томонидан доимий равишда амалга ошириладиган банк кредит фаолиятлари (кредит битимлари) тизими сифатида белгилаш мумкин. Банкнинг кредит фаолияти мустақил фаолият эмас. Банк фаолияти доирасида мавжуд бўлган ҳамда унинг бошқа унсурлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳолда у банк фаолиятининг фақат бир томонини, айнан кредит захираларини (банкнинг пул маблағларини) жойлаштиришни англатади.

“Кредит фаолияти”ни тавсифлаганда унинг қуйидаги муҳим аломатларини ажратиб кўрсатиш мумкин: 1) бу фаолиятнинг ташкил этувчи унсур сифатидаги банк фаолиятининг кўриниши; 2) доимий амалга ошириладиган кредит фаолиятлари (кредит битимлари ишлари) тизимидан иборат бўлган фаолият; 3) банкнинг пул маблағларини ўз номидан ва ўз ҳисобидан (буларнинг шаклланиш манбаидан қатъий назар) жойлаштириш билан боғлиқ фаолият; 4) банк фаолиятининг бир кўриниши бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Марказий банки рухсатномаси асосида тегишли субъект (банк ёки бошқа қарз берувчи ташкилот) томонидан амалга оширилади.

“Кредит” (иқтисодий маънода) туркуми векселли-ҳуқуқий муносабатларни ҳам қамраб олиши шубҳа уйғотмайди. Шунга боғлиқ ҳолда

хукукий адабиётда векселли мажбуриятларни кредитнинг (хукукий маънода) тури сифатида кўриб чиқишга интилишлар бўлмоқда.

Бизнинг тасаввуримизда эса векселли мажбуриятлар фарқловчи аломатларининг (ушбу мажбуриятларининг деярли барча унсурларида) шундай йиғиндисига эгаки, у буларнинг қарз олиш (кредит) мажбуриятларининг алоҳида тури сифатида таснифлашга имкон бермайди, балки векселли мажбуриятларни фуқаролик-хукукий мажбуриятларнинг мустақил тури сифатида эътироф этишни зарур қилиб қўяди.

ЎЗР ФКда (747 модда) Буюмларни қарзга бериш тўғрисидаги шартнома сифатида таснифланувчи муносабатлар ҳам кредит (иқтисодий маънодаги) тушунчаси билан белгиланади. Шу билан биргаликда бу бир томоннинг бошқа томонга турдош аломатлар билан белгиланган буюмларни етказиб бериши, бошқа томони эса шартномага биноан айнан шу турдаги ва сифатдаги буюмларни тенг миқдорини шартномада кўрсатилган муддатда қайтариб бериш мажбуриятини кўзда тутувчи аниқ шартномадир.

Ва ниҳоят, облигациялар чиқариш ва сотиш билан боғлиқ муносабатлар кредит (иқтисодий маънодаги) тушунчаси остига тушади, аммо, мазкур ҳолатда гап кредит (хукукий маънодаги) тўғрисида эмас, балки кредит шартномасининг алоҳида туридан иборат бўлган муайян шартномалар: облигацияли кредит шартномаси ва давлат кредит шартномаси устида бормоқда.

Шундай қилиб, “кредит” туркуми банкдан маҳсулот билан ҳамда тижоратли кредитнинг барча турларини англатувчи қандайдир умумлашган тушунча эканлиги тўғрисидаги фаразлар фақат иқтисодий фан доираларидагина мақбул бўлиши мумкин ҳамда кредитнинг иқтисодий табиатини аниқламасдан туриб, уни муносиб, хукукий бошқаришнинг имкони йўқ.

Ўзининг бошқа жиҳатларида “кредит” туркуми фуқаролик конунчилигида кредит шартномаси объектининг таърифи сифатида, яъни қарз берувчи – банк томонидан қарз олувчига, берилиши лозим бўлган қарз олувчи эса, қайтариш лозим бўлган пул маблағлари (ФК 744 модда 1 қисми), шунингдек, тижоратли кредит мажбуриятлари предметини (ФК 748 моддасининг 1 қисми) тавсифи сифатида қўлланилади.

Шундай қилиб, фуқаролик-хукукий маънода “кредит” туркуми фақатгина қарз мажбуриятининг кўриниши бўлиб, унга кўра бир томон бошқа томонга пул маблағи ёки турдош аломатлар билан белгиланувчи буюмларнинг тегишли миқдорини тақдим этади, бошқа томони эса, белгиланган муддатда муайян пул маблағини ёки шунча миқдордаги, шу тур ва сифатдаги буюмларни қайтариб беради.

“Кредит хукукий муносабатлари” туркуми кредит шартномаси, маҳсулотли кредит шартномаси ёхуд тижоратли кредит мажбуриятдан келиб чиқувчи мажбуриятни анлатади. “Кредит шартномаси” туркуми фақатгина шартномани англатиш учун хизмат қилади, бу шартнома бўйича банк ёки бошқа қарз берувчи ташкилот (қарз берувчи) қарз олувчига шартномада кўзда тутилган миқдор ва шартларда пул маблағини (қарз) бериш, қарздор эса олинган пул маблағини қайтариш ва унга фоизлар тўлаш

мажбуриятини олади (ФК 744 моддаси). Мазкур шартнома кредит шартномасининг алоҳида кўринишидан иборат (ФК 732 моддаси).

Кредит шартномаси бўйича пул маблағларини тақдим этиш банкнинг кредит фаолияти доираларида амалга оширилади. Кредит фаолияти банк фаолияти тури сифатида юзага чиққан ҳолда банкнинг тузилмавий унсури бўлиб, фақат унинг мазмуни орқалигина кредит моҳиятини англаш мумкин. Қонун чиқарувчи банк фаолияти атамасини жорий этгани ва кенг қўллаётганига қарамай мазкур атаманинг расмий таърифи мавжуд эмас.

Муаллифнинг фикрига кўра банк фаолияти Ўзбекистон Республикаси Марказий банки рухсатномаси (лицензияси) асосида тегишли субъект (банк ёки бошқа қарз берувчи ташкилот) томонидан доимий амалга ошириладиган банк ҳаракатлари тизимидир.

Банк фаолиятининг қонуний таърифи мавжуд эмаслиги ушбу атамани тушунишда муайян эркинликка йўл қўйган бўлиб, унинг умумий белгилари қуйидагилардан иборат: банк фаолияти тадбиркорлик фаолиятининг бир кўринишидир; банк фаолиятини амалга ошириш рухсатнома мавжудлигини кўзда тутди, аммо айрим олимларнинг банк фаолияти чегараларини белгилашга уриниши унинг ҳуқуқий моҳиятини бузиб кўрсатишга олиб келмоқда.

Муаллиф кредит фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки рухсатномаси (лицензияси) асосида тегишли субъект (банк ёки бошқа қарз берувчи ташкилот) томонидан кредит фаолиятларини (кредит битимларини) доимий амалга ошириладиган тизим сифатида белгилайди. Банкнинг кредит фаолияти мустақил фаолият эмас: банк фаолияти доирасида мавжуд бўлган ва банкнинг бошқа унсурлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда у банк фаолиятининг фақат бир томонини ва айнан кредит захираларини (банкнинг пул маблағларини) жойлаштиришни акс эттиради.

Ҳуқуқий адабиётларда кредит фаолияти фаол ҳаракатларга, яъни банк қарз берувчи сифатида намоён бўладиган ҳаракатларга киритилади. Шу аснода банкнинг фаол ҳаракатлари рўйхати одатда “банк ҳаракати” бевосита атамасидан бир мунча кенгроқ таклиф этилади ҳамда ҳуқуқнинг бошқа субъектлари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин бўлган ҳаракатларни, яъни буларни амалга оширишга рухсатнома талаб қилмайдиган ҳаракатларни ҳам ўз ичига олади.

Муаллифга омонатчи пулни банкка бериб шу аснода ўзи пулнинг эгаси бўлиб қолган ҳолда банкни омонатчи манфаатларида ҳаракат қилиш учун кўрсатма бериш ҳуқуқига эга қилиб қўйиши тўғрисидаги тахмин нотўғри бўлиб кўринади. Бундай ёндошувнинг номақбуллиги биринчи навбатда шунда намоён бўладики, бундай муносабатлар банк омонати шартномаси билан эмас, балки пул маблағларини ишончли бошқариш шартномасини тузиш билан воситаланиши лозим.

Муаллиф томонидан “кредит фаолиятининг” қуйидаги муҳим аломатлари ажратиб кўрсатилган: 1) кредит фаолияти – банк фаолиятининг бир тури бўлиб, унинг таркибий унсури сифатида юзага чиқади; 2) кредит фаолияти доимий амалга ошириладиган кредит ҳаракатлари (кредит ишлари) тизимидан иборат; 3) кредит фаолияти – банкнинг ўз номи ва ўз ҳисобидан

пул маблағларини (уларни шаклланиши манбаидан қатъий назар) жойлаштириш билан боғлиқ фаолият; 4) кредит банк фаолиятининг бир кўриниши бўлган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки рухсатномаси (лицензияси) асосида тегишли субъект (банк ёки бошқа қарз берувчи ташкилот) томонидан амалга оширилади.

Бугунги кун ва яқин ўтмишни қиёслаган ҳолда таъкидлаш мумкинки, агар режали иқтисодиёт даврида уни ривожланишининг айрим босқичлари банкдан кредит, хўжалик субъектлари фаолияти устидан назорат ва кузатишни амалга оширувчи ягона бўғинга (СССР давлат банки) бориб тақалса, мана 20 йилдирки биз Ўзбекистон Республикасида икки босқичли банк тизими мавжудлиги тўғрисида сўз юритмоқдамиз, буларнинг ўртасидаги ўзаро муносабатлар, гарчи қонун билан таъминланса-да, қуйи босқич иштирокчилари (банклар, банкдан ташқари қарз берувчи ташкилотлар, хорижий банклар шахобчалари) “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 31 моддасига мувофиқ мижозлар билан ўз муносабатларини шартномалар асосида ташкил қилмоқда.

Кредит муносабатлари қийматли муносабатлардир, шу аснода бизнинг фикримизча мазмуни фақат қиймат ҳаракати бўлган кредит соҳасидаги иқтисодий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқи меъёрлари билан йўлга солинади.

Кредит фаолияти тадбиркорлик фаолиятининг ҳар қандай бошқа тури сингари қонун билан белгиланган муайян доираларда амалга оширилади. Кредит фаолиятининг ўзига хослиги айнан кредит фаолияти субъект таркибига қатъий талабларни, банкдан кредит тартиби ва шаклларини ўрнатилганлиги билан изоҳланади.

Кредит фаолиятини фақатгина банкдан бошқариш ва назорат қилишнинг бош мақсади — банк тизимини барқарорлигини қўллаб-қувватлаш, омонатчилар ва қарз олувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни назарда тутган ҳолда оммавий-ҳуқуқий муносабатларга киритиш нотўғри бўлиб кўринмоқда. “Вертикал бўйича” ҳуқуқий муносабатларини “горизонтал бўйича” ҳуқуқий (мажбуриятли муносабатларни) аниқ ажратиб олиш зарур. “Вертикал бўйича” ҳуқуқий муносабатлар сифатида банк тизимини бошқариш бўйича оммавий бўлган ҳамда тадқиқотнинг алоҳида предмети ва объекти бўлган ҳамда мазкур иш доираларидан ташқарига чиқувчи муносабатлар намоён бўлади. “Горизонтал бўйича” муносабатлар эса мулк хусусиятига эга, шартномали асосни, хусусий ҳуқуқий ҳаракатлар - кредит фаолиятларини (кредит амалиётларини) амалга оширишни кўзда тутди.

Кредит фаолиятини хусусий ҳуқуқ соҳасига киритишнинг далилларида бири бундай фаолият мазмунини акс эттирувчи фуқаролик-ҳуқуқий ҳаракатлар сифатидаги кредит амалиётининг мавжудлиги юзага чиқади. Шу аснода кредит фаолияти банкнинг тўлов муддатлилик ва қайтариб бериш шартлари асосида пул маблағларини жойлаштириш бўйича амалиётларига мос келади. “Пул маблағлари” туркуми кредит амалиёти мақсади учун банкнинг бевосита ўз пул маблағлари ҳамда банк ҳисобига буларни ўтказилиш асосидан қатъий назар банк тасарруфида турган пул маблағларини англатади. Банкнинг тасарруфида турган пуллар банк

жамғармаси ва банк ҳисоби шартномаларидан келиб чиқувчи мажбуриятли ҳуқуқлар юкланганига қарамасдан банкнинг ўз пул маблағлари сингари ҳуқуқий тартибга эга.

Банк томонидан пул маблағларини жойлаштириш (тақдим этиш) дейилганда Фуқаролик кодекси талабларини ҳисобга олган ҳолда банк ва банк мижози ўртасида шартнома тузилиши англанади.

Қуйидагиларни аниқлаш учун ушбу ҳуқуқий муносабатлар мазмунини тадқиқ қилиш етарлидир:

биринчидан, банк амалиёти бу технология эмас, балки фуқаролик-ҳуқуқий битимдир;

иккинчидан, банк амалиёти банк ва унинг мижози ўртасида амалга оширилади;

учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисидаги Қонунга мувофиқ пул маблағларини жойлаштириш ва уларни қайтариш бўйича амалиётларни амалга ошириш тартибини белгилай олади ва белгилай олиши лозим.

Банк амалиёти атамасини кредит фаолияти, банкнинг кредити сингари (мажмуали туркум) сифатида қараб чиқилиши мумкин бўлмаган ҳам хусусий, ҳам оммавий унсурлар ўзини намоён этадиган мажмуали туркум сифатида қараш ҳам нотўғри бўлиб кўринмоқда. Банк амалиёти айрим турларини ўтказишнинг мавжуд бўлган мажбурий қоидалари банк амалиётининг фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятини ўзгартирмайди, уларга мажмуали хусусий-оммавий тус бермайди.

“Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида тилга олинган битимларни амалга ошириш учун қарз берувчи ташкилотларга гарчи бундай битимлар банк амалиёти рўйхатига кирмасада, ва демак, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тегишли рухсатномаси мазмунини акс эттира олмасада, бошқача қилиб айтганда қарз берувчи ташкилотда бошқа битимларни амалга ошириш ҳуқуқининг вужудга келиши банк амалиётларини бажариш учун рухсатноманинг мавжудлиги билан боғлиқ эмас, аммо ушбу ҳуқуқни амалга ошириш бутунлай рухсатнома мавжудлигига боғлиқдир.

Тегишли миқдордаги пул маблағлари қарз оловчи — мижознинг ҳисобига ўтказилганда ёхуд фуқаролик қонунчилигида кўзда тутилган бошқа усуллар билан тақдим этилганда, қарз олишга мулкчилик ҳуқуқи банк-қарз берувчидан мижоз-қарз оловчига ўтказилгандагина кредит амалиётининг иқтисодий мақсадига етишиш мумкин. Ҳаракат сифатидаги кредит амалиёти ҳуқуқни вужудга келтирувчи ҳаракатлар силсиласида мавжуд бўлиб, буларнинг пировард мақсади пул маблағларини қарз берувчига қайтаришдир.

Банк пул маблағларини жойлаштириш (тақдим этиш) ва сўнгра уни қайтариш бўйича ҳаракатларнинг ягона занжирида турувчи бир тартибли ҳаракатлар бўлиб, буларни амалга ошириш кредит шартномаси ҳаракати соҳаси билан чеклангандир. Сармоянинг қарз берувчи ташкилотдан қарз оловчига ва қайта ҳаракат бўйича иқтисодий базис муносабатлари бир турлидир. Ва шу боис ягона ҳуқуқий табиатга эга муносабатлар сифатида йўлга солиниши лозим.

Бир қарз берувчи ташкилотни пул мажбуриятларида талаблар ҳуқуқига ён бериш сифатида бошқасига алмаштириш, шунингдек, қарзни ўтказиш имконияти қисман қарзни қайтариш бўйича мажбуриятда қарздорнинг шахси жиддий аҳамият касб этмаслигига асосланади (бу, албатта, пул мажбурияти табиатига тўғри келади), аммо бу бундай қарз берувчи қарз берувчи ташкилот бўлмаган ҳар қандай ҳуқуқ субъектига алмаштирилиши мумкинлигини англабмайди.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги фуқаролик ҳуқуқига мувофиқ кредит шартномаси дейилганда банк бошқа қарз берувчи ташкилот (қарз берувчи) бошқа томонга (қарз олувчига) пул маблағларини (қарзни) шартномада кўзда тутилган миқдорда ва шартларда тақдим этиш, қарз олувчи эса олинган пул маблағини қайтариш ҳамда бу бўйича фоизлар тўлаш мажбуриятини оладиган шартнома (ФК 744 моддасининг 1 қисми) тушунилади.

Ҳуқуқий адабиётларда кредит шартномаси ҳуқуқий табиатини белгилаш муаммосини кўриб чиқишда ва уни таснифлашда кредит шартномасини (кредитний договор) қарз олиш шартномаси (договором займа) билан қиёслаш қабул қилинган. Айрим муаллифлар кўрсатиб ўтилган шартномалар ўртасидаги ўхшашликни топадилар ва уларнинг умумий жиҳатларини таъкидлайдилар, бошқалари эса, аксинча, кўрсатиб ўтилган шартномалардаги мавжуд бўлган фарқларга урғу берадилар. Бундай таҳлил асосида ё фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар тизимидаги кредит шартномасининг мустақил хусусияти тўғрисида ёхуд кредит шартномаси қарз олиш шартномасининг бир кўриниши тўғрисидаги хулосалар чиқарилади.

Айрим муаллифлар кредит шартномаси қарз олиш шартномасининг алоҳида кўриниши эканлиги тўғрисидаги мулоҳазаларни баён қиладилар. Аммо кредит шартномасини мустақил фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси эканлиги тўғрисидаги ёндошув тарафдорлари ҳам кам эмас.

Барча мулоҳазаларни таҳлил қилиб чиққан муаллиф кредит шартномаси ва қарз олиш шартномасидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш мақсадида ўтказилган қиёсий таҳлил муайян услубий нуксонга эга деган хулосага келади: кредит шартномаси кредит шартномасига тур сифатидаги кўринишга эга, тур, кўриниш алоқаларининг мавжудлиги эса кўринишга тегишли бўлган тушунчалар турнинг барча асосий хусусиятли жиҳатларига эга бўлган ҳолда бир вақтнинг ўзида айрим ўзига хосликларга эга эканлигини ҳам кўзда тутди. Булар эса уни тур тушунчасининг алоҳида кўриниш сифатида ажратиш кўрсатишга имкон беради.

Кредит шартномаси (кўриниш) қарз олиш шартномаси (тур)нинг барча асосий белгиларига эга: бундан қарздорнинг қарз берувчига пул маблағини олинганга тенг миқдорда (пул – муайян тур аломатларига эга бўлган ўрин босувчи буюмлар) шартномада белгиланган муддатда қайтариш мажбурияти юзага келади. Бундан ташқари кредит шартномасига уни қўллаш соҳасини чекловчи ҳамда уни қарз олиш шартномасининг алоҳида кўриниши сифатида ажратувчи ўзига хос аломатлар ҳам тегишлидир. Кредит шартномасида санаб ўтилган ўзига хос аломатларнинг мавжудлиги махсус ҳуқуқий йўлга

солишни зарур қилиб қўяди, аммо кредит шартномасининг қарз олиш шартномасига турдош мансублигини назарда тутган ҳолда кредит шартномасининг (қарз олиш шартномаси сифатидаги) ўзига хосликларига мўлжалланган махсус қоидалардан ташқарида унга нисбатан қарз олиш тўғрисидаги умумий қоидаларни қўллаш мумкин.

Аслида кредит шартномаси иккита ўзига хос аломатга эга, биринчидан, қарз берувчи томонида доимо банк ёки бошқа қарз берувчи ташкилот юзага чиқади; иккинчидан кредит шартномаси консенсуал хусусиятга эга ва шу боис икки томонламандир, яъни ҳам банк – қарз берувчи томонида (кредит), ҳам қарз олувчи томонида (қарз сифатида олинган пул маблағини қайтариш ҳамда унга қарз берганлиги учун мукофот сифатида ажратиладиган фоизларни қарз берувчига тўлаш) мажбуриятини вужудга келтиради.

Қарз олиш шартномасининг предмети ҳам пуллар ҳам муайян турдаги аломатларга эга бўлган бошқа буюмлар бўлиши мумкин. Кредит шартномасининг предмети эса фақатгина ҳам нақд, ҳам нақд пулсиз шаклдаги пуллар бўлиши мумкин.

Кредит шартномасини (қарз олиш шартномасининг алоҳида кўриниш сифатидаги) қўллаш соҳаси мутлоқо банк фаолияти соҳаси билан чекланади, унинг мазмуни ва вазифаси ҳам мана шундандир.

Шундай қилиб, кредит шартномаси қарз олиш шартномасининг алоҳида кўриниши бўлиб, у банк фаолиятида қўллаш учун мўлжаллангандир.

Кредит шартномасининг иқтисодий моҳияти шундан иборатки, у банкнинг фуқаролар ҳамда ташкилотларнинг омонотларига ва банк ҳисобларига жалб қилинган пул маблағларини жойлаштириш бўйича фаолиятининг ҳукуқий шаклидан иборат.

Ҳар қандай фуқаролик-ҳукуқий шартнома тавсифи нуқтаи назаридан кредит шартномаси консенсуал, икки томонлама ва қопланадиган шартномандир.

Иккинчи боб **“Кредит шартномасини тузиш кредит муносабатларининг вужудга келиш асоси сифатида”** – кредит шартномаси тузишда ҳуқуқ қўллаш амалиёти, кредит шартномасининг шартларини аниқлашнинг назарий ҳукуқий жиҳатлари, кредит шартномаси шакли, кредит шартномасини тузишда шартномавий муносабатларни расмийлаштириш масалалари таҳлил этилган.

Қарз олиш шартномасининг алоҳида кўриниш сифатидаги кредит шартномасига бағишланган ЎзР ФКда мавжуд бўлган махсус қоидалар орасида кредит шартномаси тузишнинг алоҳида тартибини аниқловчи меъёрлар мавжуд эмас. Кредит шартномасини тузиш мавзусига алоқадор бўлган ягона қоида бу – кредит шартномаси унинг ҳақиқий эмаслиги хатари остида ёзма шаклда тузилиши тўғрисидаги қоида бўлиб, (ФК нинг 745 моддаси), бироқ у кўпроқ кредит шартномасининг оғзаки тузилишига йўл қўядиган ва буни тасдиқлаш учун қарз олувчининг тилхати тақдим этиладиган кредит шартномаси шакли тўғрисидаги меъёрларни (ФК нинг 733 моддаси) эркинлаштиришга йўналтирилгандир.

ЎзР ФК да кредит шартномасини тузиш тўғрисидаги махсус қоидаларнинг мавжуд эмаслиги кредит шартномасини тузиш тартиби

Кодекснинг 26 бобида мавжуд бўлган (355-363 моддалар) фуқаролик-хуқуқий шартнома тузиш тўғрисидаги умумий қоидаларга бўйсунтиришдан далолат бермоқда. Хуқуқий адабиётларда баъзан кредит шартномасини шартнома тузишнинг алоҳида тартиби кўзда тутилган шартнома маълум шартнома шакллари (шартнома моделлари) яқинлаштиришга интилиш кўзга ташланмоқда. Айрим муаллифлар кредит шартномаси оммавий шартнома бўлиши мумкин деб таъкидлашади. Аммо банк учун кредит шартномаларини тузиш ўз номидан ва ўз ҳисобидан фуқаролар ҳамда ташкилотларнинг омонатлар ва банк ҳисобларига жалб қилинган пул маблағларини жойлаштиришдан иборат бўлган руҳсат олинган банк фаолиятини амалга оширишдан иборат. Оммавий ҳуқуқ нуқтаи назаридан банкларнинг мазкур фаолияти банк бошқаруви ва назорати тўғрисидаги қонунчиликка бўйсунди, бу қонунчиликнинг мажбурий талаби жойлаштирилган пул қийматларини қайтариш ҳамда уларнинг қарздорлар томонидан фойдаланганлиги учун ҳақ олишнинг ишончлилиги муайян даражасини таъминлашдир. Шу боис банкнинг кредит шартномаларини тузиш ҳамда кредит борасидаги фаолияти ўз хусусиятига кўра унга мурожаат қилган ҳар бир салоҳиятли қарз олувчига нисбатан амалга ошириладиган фаолият сифатида эътироф этилиши мумкин эмас. Аксинча кредитнинг умумэътироф этилган тамойиллари – муддатлилиқ, қайтариб бериш, тўлов тўлаш – банк қарзлари фақат молиявий аҳволи ва демак олинган пул маблағларини ўз вақтида қайтариш ҳамда банкнинг тегишли хизматларига ҳақ тўлаш имконияти шубҳа туғдирмайдиган қарз олувчиларгагина берилишини англатади. Шундай қилиб, қарзлар бериш бўйича банклар фаолияти кўпроқ тижорат ташкилотининг оммавий шартноманинг зарурий аломати деб эътироф этиладиган фаолиятининг аксидир.

Айрим муаллифлар кредит шартномаси аниқ шартнома модели бўйича тузилиши мумкин, деб ҳисоблайдилар. Аммо диссертация муаллифи фикрига кўра битимнинг шартлилиги шартноманинг консенсуаллиги ёки аниқлигига шу боисдан ҳам таъсир қила олмайдики, битимларнинг тузилиши ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг вужудга келиши лаҳзасига нисбатан битимлар таснифи биринчи ҳолатда томонларнинг иродасига, иккинчи ҳолатда эса қонун кўрсатмаларига таянади. Муаллиф, шунингдек, кредит шартномаси қўшилиш шартномаси бўлиши мумкин деб ҳисобловчи айрим муаллифларнинг фикрларига ҳам қўшилмайди. Кредит шартномасига нисбатан қўшилиш шартномаси моделини умуман қўллаб бўлмайди. Чунки у иккала томоннинг иродасига кўра шартноманинг қандайдир шартини ишлаб чиқиш ва шартномадаги келишмовчиликларни йўлга солиш имкониятини истисно этади.

Кредит шартнома предмети нисбатан ҳуқуқий адабиётларда (кредит шартномасининг бундай предмети) қарз олувчига тақдим этиладиган ва у қайтариб бериши лозим бўлган пул маблағлари эканлиги тўғрисидаги нуқтаи назар ҳукмрондир.

Пул маблағларига кредит шартномаси предмети сифатида умумий ёндошувнинг хусусиятли, замонавий доктринаси учун одатда унинг ўзига хосликларига эътибор қаратилади.

Кредит шартномаси предмети банк-қарз берувчининг қарз олувчига муайян пул қийматини қарз сифатида бериш (қарз берувчи томонидаги мажбурият) ҳамда қарз олувчининг қарзнинг олинган қийматини қайтариш ва банкка қарздан фойдаланганлиги учун фоизлар кўринишида мукофот тўлаш бўйича ҳаракатидир (қарз олувчи томонидаги мажбурият).

Кредит шартномасининг асосий шартларига шартнома предметини белгиловчи шартлар: қарз қиймати, уни қарз олувчига етказиб бериш муддати (муддатлари ва тартиби), олинган қарзни қайтариш муддати (муддатлари ва тартиби), қарздан фойдаланганлик учун қарз берувчига фоизлар тўлаш миқдори ва тартиби киради. Қандайдир (шартнома предметига дахлдор бўлмаган) бошқа шартлар фақат томонлардан бирининг (қарз берувчи ёки қарз олувчининг) бирон бир шарт бўйича келиши зарурлиги тўғрисидаги махсус баёноти мавжуд бўлгандагина кредит шартномасининг асосий шартлари деб эътироф этилиш мумкин.

Фуқаролик кодексининг 745 моддасига мувофиқ кредит шартномаси ёзма шаклда тузилади, бундай шаклга риоя қилмаслик кредит шартномасининг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради, у бекор ҳисобланади.

Кредит шартномасининг шакли тўғрисидаги тилга олинган қоидаларнинг махсус хусусияти шунда намоён бўладики, биринчидан, шартномани оғзаки шаклда, шу жумладан унинг тузилганлиги ҳолатини қарз олувчининг тилхати ёки бошқа ўхшаш ҳужжат билан тасдиқлаган ҳолда ҳам тузишга йўл қўювчи қарз олиш шартномаси шакли тўғрисидаги меъёрларини (ФК 733 моддаси) қўллаш мустасно этилади; иккинчидан, битим шакли тўғрисидаги умумий қоидаларда кўзда тутилган оқибатларга нисбатан кредит шартномаси ёзма шакли талабларига риоя қилмаганликнинг янада кескинроқ оқибатлари кўзда тутилади. Қонунчиликда кредит шартномасининг шаклига бошқа қўшимча талаблар мавжуд эмас, бу эса кредит шартномасига ЎЗР ФКнинг 366 моддасида мавжуд бўлган ҳар қандай фуқаролик-ҳуқуқий шартноманинг ёзма шакли тўғрисидаги умумий қоидалар тўлалигича қўлланилишини аниқлатади.

Муаллифнинг фикрига кўра кредит шартномасини тузишда турли матбаа шакллари, формулярлари ва бланкларидан фойдаланиш бундай шартномани қўшилиш шартномаси деб эътироф этишга асос бўлолмайди.

Шартномали кредит мажбуриятлари умуман кредит шартномасини тузиш ва расмийлаштиришсиз ҳам вужудга келиши мумкин. Бу ерда банк ҳисоби шартномасига мувофиқ банк миждоз ҳисобидан ушбу ҳисобда пул маблағлари мавжуд эмаслигига қармасдан тўловларни амалга ошириш ҳолати (ҳисобга кредит, овердрафт (инглизча – режалаштирилгандан юқори) кўзда тутилмоқда. Овердрафт шаклидаги кредитни юридик нуқтаи назардан таснифлаганда кўрсатиб ўтилган ҳуқуқ муносабатлари банк ҳисоби шартномасининг унсури бўлмиш кредит мажбуриятдан иборат, бунга кўра кўрсатиб ўтилган шартнома аралаш шартнома сифатида қаралиши мумкин.

Кредит шартномасини тузиш тартиби тўғрисидаги масалани кўриб чиқишда томонларнинг амалий ҳаракатларини, шу жумладан, кредит шартномасини тузишга йўналтирилганлиги билан хусусиятланувчи

томонларини кредит шартномасини тузиш тартиби ва босқичлари тўғрисидаги қонунчилик билан белгиланган қоидалар доирасидаги қарз берувчи ва қарз олувчининг ҳуқуқий ҳаракатларидан ажратиб олиш муҳимдир. Илгари ҳуқуқий адабиётларда томонларнинг соф амалий ҳаракатларига муайян ҳуқуқий аҳамият бахш этишга бир неча бор уринишлар бўлган, бу билан кредит шартномасини тузиш тартибининг ўзига хослиги таъкидланган.

Аксарият ҳуқуқий категорияларни, шу жумладан кредит фаолиятини ҳам оммавий-ҳуқуқий, шунингдек, хусусий-ҳуқуқий хусусиятга эга фаолият сифатида тавсифлаш зарур. Агар кредит фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки амалга оширадиган давлат бошқаруви орқали қаралса, бу ерда оммавий-ҳуқуқий муносабатлар устувор бўлиб чиқади.

Шу билан биргаликда кредит фаолиятини фақатгина банкдан бошқариш ва назорат қилишнинг бош мақсади – банк тизимини барқарорлигини қўллаб-қувватлаш, омонатчилар ва қарз олувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни назарда тутган ҳолда оммавий-ҳуқуқий муносабатларга киритиш нотўғри бўлиб кўринмоқда. “Вертикал бўйича” ҳуқуқий муносабатларини “Горизонтал бўйича” ҳуқуқий (мажбуриятли муносабатларни) аниқ ажратиб олиш зарур. “Вертикал бўйича” ҳуқуқий муносабатлар сифатида банк тизимини бошқариш бўйича оммавий бўлган ҳамда тадқиқотнинг алоҳида предмети ва объекти бўлган ҳамда мазкур иш доираларидан ташқарига чиқувчи муносабатлар намоён бўлади. “Горизонтал бўйича” муносабатлар эса мулк хусусиятига эга. Шартномали асосни хусусий ҳуқуқий ҳаракатлар - кредит фаолиятлари (кредит амалиётларини) амалга оширишни кўзда тутати. Муносабатларнинг (“вертикал бўйича”, “горизонтал бўйича”) кўрсатилган гуруҳлари биргаликда ва ўзаро ҳаракатда турадилар, лекин бири бири билан қўшилиб кетмайди. Уларнинг хусусиятига боғлиқ ҳолда улар ҳуқуқнинг турли соҳалари билан йўлга солинади.

Кредит амалиётининг ҳуқуқий табиати банкнинг ўз пул маблағларининг тасарруфида ифодаланади. Бу фақат кредит амалиёти иштирокчиларининг эришилган битими асосида таъминланиши мумкин. Кредит амалиёти – бу доимо пул маблағларининг қарз берувчидан қарздорга ҳаракати билан боғлиқ ҳамда уларнинг бирмунча кўпайган миқдорда қайтариш мажбуриятини вужудга келтирувчи битимдир. Ўз навбатида шартнома асосида банк ҳисобида турувчи қарзларни, жамғармани пул воситаларини қайтариш бўйича мажбуриятларни бажариш ягона жойда банк соҳасида қарор топади. Банк шартномаси билан воситаланадиган ҳаракатлар силсиласидан қарз берувчи ташкилот иштирокини мустасно қилишни имкони бўлмаганидек, пул мажбуриятларини (пул маблағларини) бажариш предмети фуқаролик ҳуқуқининг бирон-бир бошқа объектига алмаштиришнинг имкони йўқ. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасида кўрсатилган банк амалиётларидан ҳар бири банк шартномаси моҳиятини белгилаш учун таснифланадиган ҳаракатни англатади, уни тузиш бундай шартномадан вужудга келувчи, муносабатлар объекти бўлиб юзага чиқувчи бошқа ҳаракатларни содир этилиши билан

воситаланади. Масалан, пул маблағларини жойлаштириш кредит шартномасининг моҳиятини белгилайди. У эса ўз навбатида бунинг асосида вужудга келадиган барча мажбуриятлар мавжудлиги шартини шакллантиради.

“Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” қонуннинг 4-моддасида кўрсатилган барча амалиётларни (битимларни) содир этиш ҳуқуқига банк фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг рухсатномаси мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигидан қатъий назар юридик шахс сифатидаги кредит ташкилоти эга. Аммо бундай битимларнинг ҳуқуқий табиатидан келиб чиққан ҳолда фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг рухсатномасини олган лаҳзадан бошлаб бундай ҳуқуқни амалга ошириш мумкин.

Кредит шартномаси қарз олиш шартномасининг барча асосий белгиларига эга: бундан қарздорнинг қарз берувчига пул маблағини олинганга тенг миқдорда (пул – муайян тур аломатларига эга бўлган ўрин босувчи буюмлар) шартномада белгиланган муддатда қайтариш мажбурияти юзага келади. Бундан ташқари кредит шартномасига уни қўллаш соҳасини чекловчи ҳамда уни қарз олиш шартномасининг алоҳида кўриниши сифатида ажратувчи ўзига хос аломатлар ҳам тегишлидир. Кредит шартномасида санаб ўтилган ўзига хос аломатларнинг мавжудлиги махсус ҳуқуқий йўлга солишни зарур қилиб қўяди, аммо кредит шартномасининг қарз олиш шартномасига турдош мансублигини назарда тутган ҳолда кредит шартномасининг (қарз олиш шартномаси алоҳида кўриниши сифатидаги) ўзига хосликларига мўлжалланган махсус қоидалардан ташқарида унга нисбатан қарз олиш тўғрисидаги умумий қоидаларни қўллаш зарур.

Кредит шартномасининг предмети буюмлар эмас фақат пул бўлиши мумкин. Устига устак аксарият қарзларни бериш нақд пулсиз шаклда амалга оширилади, яъни кредит муносабатларининг предмети, яъни пул купюралари (буюмлар) кўринишидаги пуллар эмас, талаб қилиш ҳуқуқи кредит муносабатлари предметига айланади. Айнан шу боис қонун кредит шартида мавжуд бўлган “пул ёки бошқа буюмлар” (ФК 732-моддасининг 1-қисми) тўғрисида эмас, балки “пул маблағлари” (ФК 744-моддасининг 1 қисми) кўринишидаги кредит тўғрисида сўз юритади.

Шундай қилиб, кредит шартномасининг предмети нақд пулсиз шаклдаги пуллар (пул маблағлари) яъни буюмлар эмас, талаб қилиш ҳуқуқидир. Кредит шартномасини қарз олиш шартномасининг алоҳида кўринишига ажратувчи кўриниш белгилловчи аломати бўлиб, унинг фақат икки ўзига хослиги эътироф этилиши мумкин: биринчидан, шартномада қарз берувчи сифатида банк ёки бошқа қарз берувчи ташкилотнинг зарурий иштироки (шартноманинг субъектив таркибидаги ўзига хослик); иккинчидан шартноманинг консенсуал хусусияти бу унинг икки томонлама шартнома деб эътироф этишни келтириб чиқаради, ҳам банк – қарз берувчи томонида (кредит бўйича), ҳам қарз олувчи томонидан (қарз сифатида олинган пул маблағини қайтариш ҳамда унга қарз берганлиги учун мукофот сифатида ажратиладиган фоизларни қарз берувчига тўлаш) мажбуриятини вужудга келтиради. Бинобарин, пулли қарз мажбуриятини вужудга келтирувчи

шартнома кредит шартномаси деб эътироф этилиши учун бундай шартнома бўйича қарз берувчи ролида банк (бошқа қарз берувчи ташкилот) юзага чиқиши кредит бўйича мажбурият унга юклатилиши, шартноманинг ўзи эса қарз берилган лаҳзадан эмас, у имзоланган лаҳзадан бошлаб кучга кириши лозим.

Ҳозирги вақтда амалдаги қонунчилик ҳамда мавжуд банк амалиёти қарз олувчи ва қарз берувчи томонидан қарз олиш (бериш) мақсадларида содир этиладиган ҳаракатлар улар кредит шартномаси томонлари учун қанчалик муҳим аҳамият касб этмасин, кредит шартномаси тузиш учун қонунчилик томонидан ўрнатилган тартибни ташкил этувчи ҳуқуқий ҳаракатларни ажратиб олиш имконини беради.

Баъзан, контрагентлар кредит шартномаларини тузишнинг соддалаштирилган тартибини улар келишиб олган бош битим доираларида қарзнинг муайян қийматини расмийлаштиришни кўзда тутувчи кредит шартлари тўғрисидаги бош битимни расмийлаштирган ҳолда дастлаб ўзларининг ўзаро муносабатлари принципиал асосларини ишлаб чиқадилар. Шартнома муносабатлари бундай тузилмасининг мисоли кредит шартномасининг кўринишларидан бири ва айнан қарзни қарз линиясини очиш йўли билан тақдим этиш тўғрисидаги битим бўлиши мумкин.

Қарз линиясини очиш дейилганда томонларнинг битим (шартнома) тузиши, бунинг асосида мижоз - қарз олувчи қуйидаги талаблардан бирига риоя қилинганда: а) мижоз-қарз олувчига тақдим этилган пул маблағларининг умумий қиймати битимда (шартномада) маблағ бериш лимити деб аталмиш энг юқори миқдор (лимитдан ошиб кетмаса); б) битим шартнома амал қилиши даврида мижоз-қарз олувчининг бир вақтли қарздорлик миқдори ушбу битим (шартнома) билан унга белгиланган лимит – қарздорлик лимитидан ошиб кетмаса шартлашилган муддат давомида мижоз-қарз олувчи пул маблағларини ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритади. Мижоз-қарз олувчига кредит линиясини очиш шартлари ва тартибини томонлар ё махсус бош (доираловчи) битим, ёхуд пул маблағларини тақдим этиш (жойлаштириш) шартномасида бевосита белгилайдилар.

Учинчи боб **“Кредит шартномасини бажаришдаги қарз муносабатларини ҳуқуқий йўлга солишнинг ўзига хосликлари”**да қарз берувчининг мажбур шахс сифатидаги мақоми, қарз берувчининг қарздор шахслар билан муносабатларини ҳуқуқий йўлга солишнинг ўзига хос хуусиятлари, кредит шартномаси тарафларининг талаб қилиш ҳуқуқлари тадқиқ қилинади.

Кредит шартномаси тузилган лаҳзадан бошлаб, қарз берувчи томонида қарз олувчига шартномада кўзда тутилган миқдор ва шартлардаги пул маблағларини тақдим этиш мажбурияти вужудга келади (ФК 744 моддасининг 1 қисми), қарз олувчига эса қарз берувчидан қарзнинг тегишли миқдорини беришни талаб қилиш ҳуқуқи тегишлидир. Айрим муаллифлар банк - қарз берувчи томонидан кредитни оддий мажбурияти ҳисоблаган ҳолда мажбуриятдаги қандайдир ўзига хосликни илғамайдилар. Аммо қарз берувчининг кредит борасидаги кредит шартномасидан келиб чиқувчи

мажбуриятни айнан шу қарз олувчининг олинган қарзни қайтариш бўйича мажбурияти билан пул мажбуриятлари деб аталмиш ягона туркумга бирлаштирган ҳолда бир қаторга қўйиб бўлмайди.

Муаллиф пул мажбурияти тушунчасини сўзнинг тор маъносида бу сўз остида айнан қарзли мажбуриятини англаган ҳолда тушинишини таклиф этади, бу кредит шартномасидан вужудга келадиган кредит мажбуриятини, умуман, бундай пул мажбуриятини деб эътироф этмасликка имкон берган бўлур эди.

Банк-қарз берувчининг қарз олувчига қарз қийматини тақдим этиш бўйича ўз мажбуриятларини бажариш тартибини ҳуқуқий йўлга солиш ҳам жиддий ўзига хосликлари билан фарқланади. Банкнинг кредит бўйича мажбуриятлари қарз олувчининг банкдаги ҳисобига пул маблағларини ўтказиш йўли билан бажарилган ҳолатда ушбу мажбуриятнинг бажарилиш лаҳзаси қарз берувчи ролида юзага чиқаётган банкдаги ҳисобнинг эгаси қарз олувчи эканлиги ёки у эмаслигига боғлиқ ҳолда белгиланади.

ЎзР ФКнинг 744 моддасига мувофиқ кредит шартномаси бўйича қарздорнинг мажбуриятлари олинган пул қийматини қайтариб бериш ҳамда қарз қийматига ҳисобланган фоизларни тўлашдан иборат. ФКда мавжуд бўлган кредит шартномаси тўғрисидаги махсус қоидалар қарз шартномасининг алоҳида кўриниши сифатидаги кредит шартномасининг ўзига хосликларидан келиб чиқиши мумкин бўлган бирон бир бошқа мажбуриятлар мавжуд эмас.

Кредит шартномасидан келиб чиқадиган муносабатларда қарздордан қарз берувчи-банкдан қарз қийматини қабул қилиб олиш бўйича қандайдир махсус ҳаракатларни бажариш талаб этилмайди, шу боис қарздорнинг кўрсатилган ҳаркатлари кредит шартномаси предметига кирмайди. Бундан ташқари қарздорга қарз олишдан тўла ёки қисман бош тортиш ҳуқуқи берилган, шу аснода у қарз берувчига бундай бош тортишнинг сабабларини изоҳлаши шарт эмас, балки шартномада кўзда тутилган кредит муддатига қадар бу тўғрисида хабар беришнинг ўзи кифоядир.

Кредит шартномаси бўйича томонларнинг талаблари ҳуқуқини таъминлашга мазкур бобнинг тўртинчи параграфи бағишланган бўлиб, кредит мажбурияти ва пул маблағларидан фойдалангани учун фоизлар тўлаган ҳолда уни қайтариш мажбуриятлари ташқи жиҳатдан бир-бирига ўхшаса-да (униси ҳам, буниси ҳам техник томондан муайян пул маблағини узатишдан иборат) тилга олинган мажбуриятлар ўз ҳуқуқий табиатига кўра фарқланади: булардан биринчиси (қарз берувчи томоннинг мажбурияти) ўзи объекти пул маблағи бўлган (нақд пуллар ва нақд бўлмаган пул маблағлари) ҳамда кўрсатилган пул маблағларидан мулк айланмасида самарали фойдаланиш мақсадини кўзлаган, бу билан пул маблағини тегишли даражада ўсишини назарда тутган мулкни узатишдан иборат; иккинчиси (қарздор томон мажбурияти) оддий пул мажбуриятига киради, буни бажариш пул қарзини, шу жумладан унинг таркибий қисми ҳамда мулк айланмасида пул маблағидан фойдаланиш берадиган ўсишни қўшиб ҳисоблагандаги пул қарзини тўлашдан иборат.

Тилга олинган мажбуриятлар ҳуқуқий мажбуриятининг бундай кескин ва жиддий фарқи кўрсатиб ўтилган мажбуриятларининг мазмунидаги жиддий фарқларни ҳам кўзда тутди.

Оммавий ҳуқуқ нуқтаи назаридан банклар фаолияти банк бошқаруви ва назорати тўғрисидаги қонунчиликка бўйсунди, унинг зарурий талаби жойлаштирилган пул маблағлари қайтарилиши ва қарздорлар улардан фойдалангани учун ҳақ олиш ишончилигининг муайян даражасини таъминлашдир. Шу боис банкнинг кредит шартномаларини тузиш ва кредит бўйича фаолиятини ўз хусусиятига кўра унга мурожаат қилган ҳар бир салоҳиятли қарз олувчига нисбатан амалга ошириладиган фаолият сифатида сира эътироф этиш мумкин эмас. Бинобарин, кредит шартномаси оммавий шартнома бўла олмайди.

Кредит шартномаси предмети банк - қарз берувчининг қарз олувчига муайян пул қийматини қарз сифатида бериш (қарз берувчи томонидаги мажбурият) ҳамда қарз олувчининг қарзнинг олинган қийматини қайтариш ва банкка қарздан фойдаланганлиги учун фоизлар кўринишида мукофот тўлаш бўйича ҳаракатидир (қарз олувчи томонидаги мажбурият).

Шартномаларнинг муҳим шартлари деб аталмиш барчасидан банклар, қарз берувчи ташкилотлар ва уларнинг миждозлари ўртасидаги амалга ошириладиган муносабатлардан (ЎзРнинг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 31 моддаси) кредит шартномасининг муҳим шarti деб банк фаолиятлари бўйича фоизлар қиймати тўғрисидаги шартни (муайян кредит шартномаси бўйича қарздан фойдаланганлик учун қарздор тўлаши лозим бўлган фоизлар миқдори (қийматини) назарда тутган ҳолда) ва кўрсатиб ўтилган қонунда муҳим шарт деб аталганлиги туфайли эмас, балки унинг кредит шартномаси предметиға мансублигини эътироф этиш мумкин (ЎзРнинг (“Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 31 моддаси)).

Кредит шартномаларида мавжуд бўлган муҳим шартлар деб аталмиш айрим шартлар қуйидаги асослар бўйича кредит шартномасининг муҳим шартлари деб эътироф этилиши мумкин эмас. Банк хизматлари қиймати ва уларни бажариш муддатлари шартлари умуман кредит шартномаси мазмуниға кирмайди. У кредит шартномасининг кўриниши сифатида қопланадиган хизматлар тўғрисидаги шартнома эмас, балки мулкни ўтказиш тўғрисидаги фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар туркумиға киради. Бундан ташқари кредит шартномасининг қайтарилувчи хусусияти унинг бошқа бир ушбу шартноманинг предметиға мансуб бўлган муҳим шartiда: қарздор тўлаши лозим бўлган фоизлар миқдори тўғрисидаги шартда намоён бўлади. Бу қарздан фойдаланганлик учун тўлов тўғрисидаги шарт ҳамдир. Кредит шартномаси бўйича банк мажбуриятининг мазмуниға кирувчи қандайдир бошқа хизматлар қонунчиликда кўзда тутилмаган. Агарда муайян кредит шартномасида банк томонидан бундай хизматлар (факторинг, лизинг ...) кўзда тутилган бўлса, гап аралаш шартнома ва ЎзР ФК нинг 354-моддасиға мувофиқ тегишли хизматлар (шу жумладан, уларнинг қиймати ва амалға оширилиши тўғрисидаги) шартнома шартлари моддаси тўғрисида бормоқда, булар кредит шартномасиға эмас, тегишли мажбуриятларға мансубдир.

Шундай қилиб, кредит шартномасининг асосий шартларига шартнома предметини белгиловчи шартлар: қарз қиймати, уни қарз олувчига етказиб бериш муддати (муддатлари ва тартиби), олинган қарзни қайтариш муддати (муддатлари ва тартиби), қарздан фойдаланганлик учун қарз берувчига фоизлар тўлаш миқдори ва тартиби киради. Қандайдир (шартнома предметига дахлдор бўлмаган) бошқа шартлар фақат томонлардан бирининг (қарз берувчи ёки қарз олувчининг) бирон бир шарт бўйича келиши зарурлиги тўғрисидаги махсус баёноти мавжуд бўлгандагина кредит шартномасининг асосий шартлари деб эътироф этилиши мумкин.

Асосий хулоса шундан иборатки, кредит шартномаси агар шартнома матнида диспозитив меъёрлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда кредит шартномасининг қарз олиш шартномасига нисбатан турдош бўлган меъёрлари балки фуқаролик-ҳуқуқий шартномалари ва мажбуриятларининг умумий қоидаларини кўзда тутувчи муҳим шартлар мавжуд бўлмаган ҳолатдагина унинг асосий шартлари бўйича битим томонларининг битимга кела олмасликлари сабабли тузилмаган деб эътироф этилиши мумкин.

Қонунчиликдан келиб чиқувчи тузилган (ва кўпинча бир томон адо этган) шартномаларни тузилмаган деб эътироф этиш имконияти асосан виждонсиз қарздорлар томонидан қарз берувчиларнинг қарздорларни шартнома мажбуриятларини бажармаганлик ёки тегишли тарзда бажармаганлиги учун жазога тортиш тўғрисидаги адолатли талабларига нисбатан жавоб чораси сифатида қўлланилмоқда. Айнан шу сабабга кўра қонун чиқарувчи турли шартномаларнинг муҳим шартлари доирасини кенгайтиришга интилишдан тийилиб туриш зарурдир.

Кредит шартномаси ёзма шаклда тузилади, бундай шаклга риоя қилмаслик кредит шартномасининг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради, у бекор ҳисобланади. Қонунчиликда кредит шартномасининг шаклига бошқа қўшимча талаблар мавжуд эмас, бу эса кредит шартномасига ЎЗР ФКнинг 366-моддасида мавжуд бўлган ҳар қандай фуқаролик-ҳуқуқий шартноманинг ёзма шакли тўғрисидаги умумий қоидалар тўлалигича қўлланилишини аниқлатади.

Шартномали кредит мажбуриятлари умуман кредит шартномасини тузиш ва расмийлаштиришсиз ҳам вужудга келиши мумкин. Бу ерда банк ҳисоби шартномасига мувофиқ банк миқоз ҳисобидан ушбу ҳисобда пул маблағлари мавжуд эмаслигига қармасдан тўловларни амалга ошириш ҳолати (ҳисобга кредит) кўзда тутилмоқда.

Қарз линиясини очиш дейилганда томонларнинг битим (шартнома) тузиши, бунинг асосида миқоз - қарз олувчи қуйидаги талаблардан бирига риоя қилинганда: а) миқоз — қарз олувчига тақдим этилган пул маблағларининг умумий қиймати битимда (шартномада) маблағ бериш лимити деб аталмиш энг юқори миқдор (лимитдан ошиб кетмаса); б) битим шартнома амал қилиши даврида миқоз-қарз олувчининг бир вақтли қарздорлик миқдори ушбу битим (шартнома) билан унга белгиланган лимит — қарздорлик лимитидан ошиб кетмаса шартлашилган муддат давомида миқоз-қарз олувчи пул маблағларини ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритади. Миқоз-қарз олувчига кредит линиясини очиш шартлари ва

тартибини томонлар ё махсус бош (доираловчи) битим, ёхуд пул маблағларини тақдим этиш (жойлаштириш) шартномасида бевосита белгилайдилар.

Битим сифатида кредит шартномасининг мазмуни фақат унинг тузилиш ҳолатига нисбатан эмас, балки томонларнинг аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини олмаган ҳолда фақат шартноманинг тилга олинган шартлари бўйича уларнинг келишуви мавжудлигини қайд этилганлигини муҳим эътироф этилувчи шартноманинг асосий шартларига нисбатан томонлар (қарз берувчи ва қарз олувчи) ўртасидаги келишувга эришишдир.

Ҳуқуқий муносабат сифатидаги шартноманинг мазмуни мажбуриятнинг ўзи бўлиб, унга биноан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (қарз берувчи) фойдасига муайян ҳаракатни содир этиш ёки муайян ҳаракатдан тийилиб туришга мажбурдир, қарз берувчи қарздордан унинг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бошқача қилиб айтганда айнан мажбурият (“шартнома-ҳуқуқий муносабат”) ўз мазмунига кўра томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларидан иборат.

Қарз олувчининг қарз берувчи олдидаги олинган қарз қийматини қайтариш ва бегона пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоизлар тўлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажариши кредит шартномасида кўзда тутилган тартиб ва муддатларда амалга оширилиши лозим деб ўйлаймиз. Агарда шартномада қарздорнинг ўз мажбуриятларини бажариши тартиби ва муддатлари тўғрисидаги шартлар мавжуд бўлмаса кредит шартномасидан келиб чиқувчи тегишли мажбуриятнинг кўрсатилган шартлари пуллик қарз шартномаси бўйича мажбуриятларни қарздор томонидан бажарилиши тартиби муддати ва ўрнини йўлга солувчи ЎзР ФКда мавжуд бўлган муайян диспозитив меъёрлар ҳисобланади. Масалан, кредит шартномасида қарзни қайтариш муддати кўзда тутилмаган ёки кўрсатилган муддат талаб қилиш лаҳзаси деб белгиланган ҳолатларда қарз қиймати қарздор томонидан қарз берувчи бу ҳақидаги талабни қўйган кундан бошлаб, 30 кун давомида қайтариши лозим. Кредит шартномасида қарздорнинг олинган қарзни қайтариш муддати тўғрисидаги шарт мавжуд бўлганда, қарз қиймати қарз берувчининг розилигига кўра қарздор томонидан муддатдан илгари қайтарилиши мумкин.

Банк томонидан кредит бўйича мажбуриятлар пул маблағлари қарз олувчининг банкдаги ҳисобига ўтказиш йўли билан бажариладиган ҳолатларда ушбу мажбуриятнинг бажарилиш лаҳзаси қарз олувчининг қарз берувчи ролида юзага чиқаётган банкда ҳисоби мавжудлигига боғлиқ ҳолда белгиланади. Агарда қарз берувчи хизмат кўрсатаётган банк-қарз берувчида ҳисоб эгаси бўлмаса, ёки кредит шартномасида қарз қиймати қарз олувчининг бошқа банкда очирилган ҳисобига ўтказилиши кўзда тутилган бўлса, банк томонидан кредит тегишли пул қийматини қарздорга хизмат кўрсатувчи банкдаги қарздор ҳисобига пул маблағларини ўтказиш йўли билан адо этилади. Қарздорнинг бошқа банкдаги ҳисобига қарз қийматини банкдан ўтказиш йўли билан қарздорга кредит бўйича банк-қарз берувчининг мажбуриятларини бажариш лаҳзасини белгилашга бундай ёндошувнинг ҳуқуқий асоси бўлиб, тўлов топшириқларини ҳисоблашда банк

ўтказмаларида иштирок этувчи банклар ўтувчи жавобгарликни тақсимлаш тўғрисидаги қоидалар хизмат қилади.

Кредит шартномасидан келиб чиқадиган муносабатларда қарздордан қарз берувчи-банкдан қарз қийматини қабул қилиб олиш бўйича қандайдир махсус ҳаракатларни бажариш талаб этилмайди, шу боис қарздорнинг кўрсатилган ҳаракатлари кредит шартномаси предметиға кирмайди. Бундан ташқари қарздорға қарз олишдан тўла ёки қисман бош тортиш ҳуқуқи берилган, шу аснода у қарз берувчига бундай бош тортишнинг сабабларини изоҳлаши шарт эмас, балки шартномада кўзда тутилган кредит муддатига қадар бу тўғрисида хабар беришнинг ўзи кифоядир деб ўйлаймиз.

Халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда миллий қонунчиликни шундай меъёр билан тўлдиришни таклиф этиш мумкинки, унга мувофиқ кредит шартномасида қарз берувчи кредит шартномаси бўйича мажбуриятларини (қарз олувчига қарз қийматини тақдим этиш) бажариш мақсадларида учинчи шахсларнинг пул маблағларини жалб этган ҳолда бу билан улар олдидаги қўшимча хатарни ўзига қабул қилган ҳолатларда, шунингдек, кредит шартномаси ўз ичига томонларнинг қўшимча инвестиция мажбуриятларини олишни киритган аралаш шартнома белгиларини қабул қилган ҳолатларни кўзда тутганда қарздорда қарз олиш мажбурияти мавжудлигини эътироф этиш зарурдир.

Хулоса қилиш мумкинки, ҳар қандай кредит шартномаси бўйича қарздор томонидаги мажбурият барча ҳолатларда ҳам қарздорнинг олинган қарз қийматини қайтариш ва пул маблағларидан фойдаланганлик учун (қарз берувчини мукофотлашдан иборат бўлган) фоизларни кредит шартномасида кўзда тутилган тартибда ва муддатда (муддатларда) қайтариш бўйича икки ўзгармас мажбурияти мавжуд.

Қарз олувчига тегишли бўлган кредитни талаб қилиш ҳуқуқи ўз ўзига хосликларига эга. Булардан биринчиси шундан иборатки, тилга олинган ҳуқуқ субъекти (қарз олувчи) ўзига тегишли ҳуқуқни мажбурий тарзда амалга оширишни, яъни кредит шартномасида кўзда тутилган қарз қийматини қарз берувчи – банкдан судлашиш тарзида ундириб олиш ҳуқуқига эга эмас. Қарз олувчининг банк-қарз берувчидан кредит шартномасида кўзда тутилган қарз миқдорини беришни талаб қилишининг бошқа ўзига хослиги мулк айланмасида талаб қилишининг бундай ҳуқуқи билан иштирок этишнинг муайян даражада чекланганлигини ҳисоблаш зарур. Қарз олувчининг кредитни талаб қилиш ҳуқуқидаги ҳуқуқий тартибнинг навбатдаги ўзига хослиги бу ҳуқуқни бошқа шахсга беришнинг имкони йўқлигидир. Ваниҳоят яна бир ўзига хослиги – қарз олувчининг бу қарздан ўзининг бошқа пул қарзларини тўғридан-тўғри бир турдаги талабни ҳисоблаш йўли билан (масалан, айнан шу банкдан илгари берилган қарзларни қайтариш учун) тўхтатиш мақсадларида қарздорнинг фойдаланиш имкони йўқлигидир.

Бизнинг фикримизча, кредитни талаб қилиш ҳуқуқининг мулк айланмасида иштирок этишнинг чекланмаган имкониятга йўл қўйиб қўйиш банкининг кредит мажбуриятининг ўзидаги хусусият (моҳияти) муайян тўсиқ бўлиши мумкин. Юқорида таъкидланганидек, ушбу мажбуриятнинг ўзига

хосликларидан бири уни мажбурий ижро этишнинг имконсизлигидан иборат. Демак, цессия ролига давогарлик қилувчи кредитни талаб қилиш ҳуқуқи аслида суд ҳимояси билан таъминланмаган, яъни ҳимоя қилинишга қодир эмасдир. Фуқаролик-ҳуқуқий битимларини (талаб қилиш ҳуқуқини бошқага ўтказишни қўшиб ҳисоблаганда) объекти фақат ҳимоя қилинишига қодир пул қийматига эга бўлган мулк ҳуқуқигина бўлиши мумкинлиги боис, умуман, фуқаролик айланмаси сифатида кредит талаблари ҳуқуқидан фойдаланиш имконияти йўқлиги тўғрисидаги масалани қўйиш вақти келди. Албатта, бу масала мустақил тадқиқотнинг предмети бўлиши лозим. Бу ушбу ишнинг вазифасига кирмайди, аммо кредит талаби ҳуқуқини бировга ўтказиш имконияти йўқлиги тўғрисидаги хулоса аниқ бўлиб кўринмоқда.

Маълумки, мажбурият муддати ҳали кирмаган ёки муддати кўрсатилмаган ёхуд талаб қилиш лаҳзаси белгиланмаган қарама-қарши, талабни тўла ёки қисман тўхтатилиши мумкин (ЎзР ФК нинг 343-моддаси). Биз бир неча марта таъкидлаб ўтган кредит шартномаси бўйича банк мажбуриятларининг ўзига хослиги боис (бундай мажбурият бўйича пул маблағлари қарз олувчига тўла воситаси ёки пул қарзини тўлаш учун эмас, мулк сифатида ўтказилади) қарздорнинг кредит тўғрисидаги талаби ҳуқуқи қарама-қарши ва энг муҳими ҳар қандай пулли қарз талабига нисбатан бир турли (шу жумладан табиийки, банкнинг илгариги берилган қарзни қайтариш тўғрисидаги талабига нисбатан ҳам) бир турли деб эътироф этиб бўлмайди. Айнан шу сабабли қарз олувчининг кредит тўғрисидаги талаби қарама-қарши бир турли талабни ҳисобга олиш йўли билан қарздорнинг бошқа (пул) мажбуриятини бошқа тўхтатиш учун фойдаланиб бўлмайди. Банк-қарз берувчининг қарздор олган қарз миқдорини қайтариш тўғрисидаги талабига келганда эса, бу пул қарзини тўлаш тўғрисидаги талабдан иборат бўлиб, бошқа қарз мажбуриятларидан келиб чиқадиган қарз берувчиларнинг шунга ўхшаш талабларига қиёслаганда қандайдир ўзига хосликка эга эмас.

Қарз олувчининг кредитни талаб қилиш ҳуқуқи алоҳида ўзига хослиги билан фарқланиб туради. Биринчи ўзига хослик – тилга олинган ҳуқуқ субъекти (қарз олувчи) ўзига тегишли ҳуқуқни мажбурий тарзда амалга оширишни, яъни кредит шартномасида кўзда тутилган қарз қийматини қарз берувчи – банкдан судлашиш тарзда ундириб олиш ҳуқуқига эга эмас. Қарз олувчининг банк-қарз берувчидан кредит шартномасида кўзда тутилган қарз миқдорини беришни талаб қилишининг бошқа ўзига хослиги мулк айланмасида талаб қилишининг бундай ҳуқуқи билан иштирок этишнинг муайян даражада чекланганлигини ҳисоблаш зарур. Ваниҳоят кредитни талаб қилиш ҳуқуқининг ҳуқуқий тартибининг яна бир ўзига хослиги – қарз олувчининг бу қарздан ўзининг бошқа пул қарзларини тўғридан-тўғри бир турдаги талабни ҳисоблаш йўли билан (масалан, айнан шу банкдан илгари берилган қарзларни қайтариш учун) тўхтатиш мақсадларида қарздорнинг фойдаланиш имкони йўқлигидир.

Кредит бериш ва уни қайтариш бўйича мажбуриятлар ташқи жихатдан ўхшаш бўлса ҳам, улар ҳуқуқий табиатига кўра ўзаро фарқланади. Улардан биринчиси, объекти пул маблағлари бўлагн мулкни ўтказиш мажбуриятини англатиб, ушбу пул маблағларини самарали фойдаланилишини талаб этади;

иккинчиси оддий пул мажбурияти бўлиб, пул маблағини тўлаш орқали бажарилишини англатади.

Бундай мажбуриятлар ҳуқуқий табиатидаги фарқланиш бундай мажбуриятларни фарқлашни талаб этади.

Кредит олувчининг кредит берилишини талаб қилиш ҳуқуқи ўзига хос хусусияталр билан ажралиб туради. Бундай хусусият – ҳуқуқ субъекти унда мавжуд ҳуқуқни мажбурий бажарилишини талаб қила олмайди, яъни суд тартибида ўзига тегишли ва берилиши керак бўлган маблағни талаб қилиш. Яна бир хусусият кредит шартномасида назарда тутилган кредитни тақдим қилишни талаб қилиш ҳуқуқида чекловларнинг мавжудлиги. Нихоят, бундай ҳуқуқни кредитни бошқа турдаги усулда қоплаш имкониятининг йўқлиги.

Диссертациянинг тўртинчи боби **“Кредит шартномасини бузганлик учун жавобгарлик. Кредит шартномасини тўхтатиш”**да кредит шартномасини бузганлик учун жавобгарликни белгилашнинг ҳуқуқий муаммолари, пул мажбуриятлари бўйича йиллик фоизларни ҳуқуқий табиати, пул мажбуриятларини бузганлик учун жарима ва фоизларни белгилашнинг замонавий тенденциялари, кредит шартномасини тўхтатиш ва бекор қилишнинг (ўзгартишнинг) ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилади.

Кредит шартномасига субсидиар тартибда қўлланиладиган қарз олиш шартномаси тўғрисидаги меъёрларни ҳисобга олувчи кредит шартномаси тўғрисидаги ЎЗР ФК (41 боб)да мавжуд бўлган қоидаларида қарз олиш шартномаси (кредит шартномаси) бўйича қарз олувчининг жавобгарлигига тегишли фақат биргина махсус қоида мавжуд бўлиб, унга мувофиқ агар қонунчиликда ёки шартномада бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, қарз олувчи қарз қийматини муддатида қайтармаган ҳолатларда ушбу қийматга у қайтарилиши лозим бўлган кундан бошлаб уни қайтариб берилган кунига қадар қарз олувчининг фоизлар тўлаганидан қатъий назар ЎЗР ФКнинг 734 моддасининг биринчи қисмида кўзда тутилган (яъни бегона пул маблағларидан фойдаланганлиги учун тўлов сифатида олинадиган фоизлар) ФКнинг 327-моддасининг 1 ва 2 қисмларида кўзда тутилган миқдорда фоизлар тўлаши лозим.

Кредит шартномасининг томонлари (хар қарз олувчи, ҳам қарз берувчи) ўз мажбуриятларини бажармагани ёки тегишли тарзда бажармаганлиги ҳолатларида шартнома мажбуриятларини бузганлиги учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисидаги умумий қоидалар асосида жавобгарликка тортилиши мумкин.

Банк-қарз берувчининг қарз олувчи олдидаги кредит бўйича мажбуриятларини бажармаганлик ёки тегишли тарзда бажармаганлиги учун жавобгарлик тўғрисида сўз юритганда айрим муаллифлар банкнинг қарз олувчига етказган зарарларини қоплаш мажбуриятинигина эмас, мазкур ҳолатда бегона пул маблағларидан ҳуқуққа зид тарзда фойдаланганлиги учун фоизлар кўринишидаги мажбуриятини ҳам таъкидлайдилар. Муаллиф бундай ёндошув қарз (қарзли пул мажбурияти бўлмаган) бериш бўйича мажбуриятларнинг ҳуқуқий табиатига зиддир, деб ҳисоблайди.

Шу боис қарз берувчига кредит бўйича мажбуриятларни бажармаганлик ёки тегишли тарзда бажармаганлик учун юкланиши мумкин бўлган

жавобгарликнинг асосий шакли деб қарз олувчига етказилган зарарни қоплашни эътироф этиш зарур.

Пул мажбуриятларини бажармаслик ёки бажариш муддатини чўзиб юбориш ҳолатларида қўйиладиган йиллик фоизларнинг ҳуқуқий табиатини белгилаш муаммоси анъанавий тарзда олим-фуқароларнинг эътиборини жалб қилиб келган сармоядан (пул маблағларидан) фойдаланганлик учун тўлов (мукофот) сифатидаги бегона пул маблағларидан фойдаланганлик учун олинадиган фоизларни белгилаш анъанавий ва энг кўп тарқалгандир. Бундай ёндошувда йиллик фоизларни олиш (тўлаш) қарз қийматини тўлаш тўғрисидаги асосий пул мажбуриятларини бажариш қоидалари бўйича амалга оширилади. Бундай ёндошувдаги пул мажбуриятлари муддати чўзиб юборилганда бегона пул маблағларидан фойдаланганлик учун йиллик фоизларни ҳисоблаш тўлов муддати ўтганлиги учун бир мартабалик жаримани қўллаш имкониятини мустасно этмайди.

Пул мажбуриятлари бўйича ундириладиган фоизларни қўлдан чиқарилган фойданинг кўзда тутилган миқдори кўринишидаги пул маблағларини етказиб бериш (қайтариш) муддати ўтганлиги билан етказилган зарарларни қоплаш усули сифатида кўриб чиқиш ҳам тавсия этилган.

Қонунда кўзда тутилган тўловлар миқдори ва уларни белгилаш ва ҳисоблаш тартибини ҳозирги шароитларда кўриб чиқиладиган фоизларнинг табиатини белгилашга у ёки бу ёндошувни баҳолашда назарга олмасликнинг иложи йўқ.

Муаллиф қарзларни тўлаш муддати ўтказилиб юборилганда фоизлар тўланиши ўзига тегишли пулни махсулдор жойлаштириш имкониятидан жудо бўлган қарз берувчининг эҳтимолий зарарларини қоплашга йўналтирилган деб ҳисоблайди.

Шартномалардан вужудга келадиган пул мажбуриятларидан, хусусан, пул маблағларини қайтариш шартлари билан олинган хизматлар ёхуд тўлов мажбуриятлардан вужудга келадиган пул мажбуриятларида тўлов муддати ўтиб кетган қиймат учун ЎзР ФК нинг 327-моддаси асосида белгиланадиган фоизларни ҳисоблаш зарур. Қонунда ёки томонларнинг битимида розилиги билан пул мажбуриятларини бажаришда муддат ўтиб кетганлиги учун қарздорнинг жарима (товон) тўлаш мажбурияти кўзда тутилиши мумкин.

Адабиётларда жарима анъанавий тарзда ҳам мажбуриятларни бажарилишини таъминлаш усули, ҳам жавобгарлик шакллари билан бири сифатида қаралади.

ЎзР ФК нинг 327-моддаси билан белгиланган жарималар (хусусан, товон шаклидаги) ва фоизларни қўллаш тартибини йўлга солувчи қоидаларни таққослаш улар ўртасида анчагина аҳамиятли ўхшашлик борлигини аниқлашга имкон беради.

Жарима (товон) ҳам, кўриб чиқиладиган фоизлар ҳам қарздор мажбуриятларини бузган ҳолатда қўлланилади. Товон шаклидаги ва фоизлар шаклидаги жавобгарлик давомли ҳуқуқбузарликда – мажбуриятларни бажариш муддати ўтказиб юборилганда қўлланилади. Қарз берувчи пул

мажбуриятлари муддати ўтганда ҳам жарималарни ҳам фоизларни ундириш тўғрисидаги талабларни илгари сурганда ўзига етказилган зарарнинг мавжудлиги ва миқдори далилларини кўрсатмаслиги лозим.

Пул мажбуриятларини бажариш муддати ўтганда ҳисобланадиган жарималар (товон) ва жавобгарлик шакли сифатида кўриб чиқиладиган 327-моддада кўзда тутилган фоизларни чегаралаш кўп жиҳатдан расмий-ҳуқуқий аломатларга асосланади.

Қўлланиладиган фоизлар миқдорини камайтириш имконияти тўғрисидаги масалани ҳал қилишда суд муддати ўтган даврдаги Ўзбекистон Марказий банки қайта молиялаш қиймати миқдоридаги ўзгаришларни ва шунингдек, фоиз миқдори қийматига таъсир кўрсатувчи бошқа ҳолатларни ҳисобга олиши зарур. Шунинг назарда тутиш лозимки, ушбу жавобгарликнинг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда судларга ҳисобланган фоизлар қийматини эмас, балки улар ҳисоблаб чиқилган қиймат миқдорини ҳисобга олиш тавсия этилади. Шунга боғлиқ ҳолда ҳисобланган фоизлар миқдорининг асосий қарз миқдorigа мос келмаслиги сифатидаги жазо миқдорини камайтириш учун бундай асосни бирмунча танқидий баҳолаш лозим.

Кредит шартномаси ҳар қандай фуқаролик-ҳуқуқий шартномасига қўлланиладиган шартнома ҳуқуқларининг умумий қоидаларида кўзда тутилган асослар ва тартибда, бироқ айнан кредит шартномасини бекор қилишнинг ўзига хосликларини йўлга солувчи махсус қоидаларни (ФК нинг 41 боби) унинг томонлари (томонлардан бири) уни бекор қилиш усули билан тўхталиши мумкин. Кредит шартномасини (шунингдек) ҳар қандай бошқа фуқаролик-ҳуқуқий шартномани бекор қилиш (ўзгартиш) мавзусининг бош категорияси шартномани бекор қилиш (ўзгартиш) усулидир. Шартномани бекор қилишининг асосий усули уни томонлар келишувига кўра бекор қилишдир. Кредит шартномаси томонлар келишувига кўра уларнинг хоҳиши билан бирон бир чекланишларсиз ҳар қандай лаҳзада бекор қилиниши мумкин. Кредит шартномасини (шунингдек, ҳар қандай бошқа шартномани ҳам) бекор қилишнинг бошқа усули у томонлардан бирининг талабига кўра бекор қилиниши мумкинлигидadır. Бундан ташқари шартнома ЎЗР ФК, бошқа қонунлар ёки шартномада (ФК 382-моддасининг 2-қисми) кўзда тутилган ҳолатларда ҳам томонлардан бирининг талабига кўра бекор қилиниши мумкин. Кредит шартномасида ҳам қарз берувчининг талабига ҳам қарз олувчининг талабига кўра уни бекор қилишнинг бошқа асослари ҳам кўзда тутилиши мумкин.

Қарз берувчининг шартномадан қарз олувчи ўз мажбуриятларини бажаришни таъминлаш бўйича, қарз қийматидан мақсадли фойдаланиш бўйича, шунингдек, олинган қарз қийматини қисмларга бўлиб қайтариш бўйича шартларни бузганлик ҳолатларида шартномадан бир томонлама бош тортиш йўли билан кредит шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги махсус қоидалар қарз берувчи бундай ҳолатларда қарз олувчидан қарз қийматини муддатидан олдин қайтариш ва унга ҳисобланган фоизларни тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эгалигида ифодаланадиган кредит шартномасини бекор қилишнинг ўзига хос оқибатларини ҳам кўзда тутлади. Кредит шартномасини

(хар қандай фуқаролик шартнома сингари) тўхтатишнинг асосий усули, албатта, ундан вужудга келадиган мажбуриятларни тегишли тарзда бажаришдир.

Муаллиф мажбуриятларни тўхташи усули сифатида фойдаланиладиган мажбуриятларни тўхтатишнинг якуний лаҳзаси баъзан қарз берувчилар ва қарз олувчилар фараз қилганидек, уни тўхтатиш тўғрисидаги томонларнинг имзолаши эмас, бундай битимнинг объекти бўлган мулкни амалда топшириш лаҳзасидир деган хулосага келган.

Биз ўтказган тадқиқот асосида банк учун кредит бўйича кредит шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш барча ҳолатларда банкнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ, шу боис бундай мажбуриятни бажармаслик ёки шундай тегишли тарзда бажармаслик айбнинг аввал бошиданоқ ташкил этилиши мумкин эмас. (ЎЗР ФКнинг 333-моддасининг 3-қисми) қарздорга келганда эса унинг олинган қарз қийматини қайтариш ва пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоизларни тўлаш учун банк олдидаги мажбуриятни бузганлик учун жавобгарлик фақат қонунчилик ёки шартномада агар бошқа ҳолатлар кўзда тутилмаган ҳолатдаги айбнинг мавжудлигидагина юзага келади. (ФК 333-моддасининг 1 қисми). Аммо маълумки, қарздорнинг мажбуриятни бажармаганлиги ёки тегишли тарзда бажармаганлиги айбининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги масала (қарздор айб мавжуд бўлмаганда жавобгарликдан озод қилинади) агар айбдорнинг тегишли ҳаракати (ҳаракатсизлиги) натижасида мажбуриятни бажаришни имконсизлиги вужудга келгандагина кўриб чиқилиши мумкин. Биз илгари бир неча бор таъкидлаб ўтган эдик: пулли қарз мажбуриятининг (қарздорнинг кредит шартномаси бўйича мажбурияти ҳам шундайдир) айнан шундан иборатки, бажаришнинг доимо имкони бор, чунки пул маблағлари (хатто қарздорда мажбуриятларни бажариш вақтида мавжуд бўлмаганда ҳам) доимо мулк айланмасида мавжуддир. Қарздор қарзни тўлаш имкониятига эга бўлганлигига қарамасдан мажбуриятни бажармаслиги ҳолатида эса унинг айби яққолдир. Бу маънода фуқаролик ҳуқуқи нуқтаи назаридан қарздор қарз берувчига зарар етказиш ғаразига эгалиги ёхуд мулк айланмаси шартлари тақозо этадиган ғамхўрлик ва зийракликнинг зарурий даражасини шунчаки кўрсатмаганлиги ва бунинг натижасида ўз мажбуриятларини бажариш учун зарурий чораларни кўрмаганлигининг аҳамияти йўқ.

Қарздорнинг олинган қарз қийматини қайтариш пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоизларни тўлаш учун мажбуриятларини бажармаганлиги ёки тегишли тарзда бажармаганлиги учун жавобгарлигига келганда эса фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг анъанавий шакллари зарарларини қоплаш ва жарима тўлашдан ташқари у пуллик қарз мажбуриятларини бажариш учун хусусиятли бўлган бегона пул маблағларидан ҳуқуққа зид тарзда фойдаланганлиги учун фоизлар ундириш сингари жавобгарлик шаклига ҳам тортилиши мумкин.

Қарздорнинг олинган қарз қийматини қайтариш ва пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоизлар тўлаш бўйича мажбуриятига нисбатан кўрсатилган мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатидаги форс-мажор ҳолатлари тўғрисидаги қоидалар қўлланиши

мумкин эмас. Форс-мажор ҳолатлари қарздорни мажбуриятни бажармаганлиги ёки тегишли тарзда бажармаганлиги учун тегишли бажаришнинг бартараф этиб бўлмайдиган куч оқибатида имкони бўлмагани исботланган ҳолатдагина озод қилиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Биз эса юқорида пулли қарз мажбурияти бўйича қарздорда (ҳатто мажбуриятни бажариш вақтида пул бўлмаганда ҳам) мажбуриятни тегишли тарзда бажаришнинг доимо имкони мавжудлигини таъкидлаб ўтган эдик. Афтидан, қонун чиқарувчи пул мажбурияти бўйича қарздорда зарурий пул маблағлари мавжуд эмаслиги вазиятини форс-мажор доирасидан чиқарганда айнан шу ҳолатни кўзда тутган бўлса керак (ЎзР ФК 333-моддасининг 3 қисми).

ФКнинг 333-моддасида сўз борган мулк мажбуриятини бажариш қарздор мажбурият предмети ташкил этувчи ҳаракатларнигина содир этиши лозимлигини аңлатади ва бу мажбурият пул қийматини тўлаш (бу моҳиятига кўра зарарларни қоплаш ва жарима тўлашдир) билан қопланиши (тўхталиши мумкин эмас). Шу боис қарздорнинг олинган қарз қийматини қайтариш ва пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоизлар тўлаш сингари мажбуриятига ўхшаш пулли қарз мажбуриятига нисбатан мулк мажбуриятини бажариш тўғрисидаги қоидаларини қўллаш бирон-бир амалий маънога эга эмас: олинган қарз қиймати банк қарз берувчига мукофот сифатидаги тегишли фоизлар билан биргаликда ҳар қандай ҳолатда ҳам қарздордан ундирилиши пул қарзи (қарздорлик бўйича қарзлар) ёки қарздорнинг ўз мажбуриятларини бажармаслиги (ёки тегишли тарзда бажармаслиги) натижасида қарз берувчига етказилган зарарлар таркибида ундирилиши лозим. Қарздорнинг мажбуриятларни бажармаганлик ёки тегишли тарзда бажармаганлик учун жавобгарлиги бўлмаган кредит шартномасининг айрим қўшимча шартларини бузганликнинг аниқ оқибатларига келганда эса буларнинг барчаси қарз берувчининг шартномадан бир томонлама бош тортиши йўли билан кредит шартномасини бекор қилиш оқибатида сифатида таснифланиши мумкин.

Назарий аҳамиятсиз бўлганда ҳам суд амалиётини шакллантиришда муайян рол ўйнаган яна бир ҳолатни ҳам кўрсатиш зарур. Таассуфки, ҳисобланадиган фоизларнинг тартиби ва миқдори тўғрисидаги ЎзР ФКнинг 327-моддаси қоидалари шундай шакллантирилганки, кредит амалиётлари бўйича фоиз қийматларининг беқарорлиги ва ўсиши қарз берувчининг асоссиз бойиб кетишига, фоиз қийматларининг тушиши эса унинг зарарлари тўла қопланмаслигига олиб келади. Сўнгги ҳолатда қарз берувчи зарарларни қоплаш тўғрисида қўшимча талабларни қўйиш имкониятидан маҳрум эмас. Фоиз қийматлари ўсганда эса қарз берувчининг асоссиз бойиб кетишини мустасно этувчи бирон-бир механизмларини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексида бевосита кўзда тутмайди.

ЎзР ФК 744-моддаси меъёрлари (ЎзР ФК 327 моддасида мавжуд бўлган меъёрлар эмас) мулк айланмасида фойдаланилганда ўсиш хусусиятига эга бўлган бегона пул маблағларидан фойдаланганлик учун тўлов сифатидаги қонунийлашган фоизларни белгиловчи қоидалардир деб ҳисоблаймиз. Аммо ЎзР ФК 744-моддаси қоидаларини умумий меъёр сифатида қараш учун асос

мавжуд эмас, ЎзР ФК 734-моддаси меъёрларини шундай меъёрлар деб ҳисоблаш тўғрироқ бўлиб кўринмоқда. Чунки айнан шулар пул қарзининг қайтариш презумпция (фаразини) кўзда тутлади.

Шуни ҳисобга олган ҳолда биз судларга қарз сифатида берилган пул маблағларидан фойдаланганлик учун ҳисобланадиган йиллик фоизлар (734-модда) ёки тижорат қарзи (748-модда) ҳамда пул мажбуриятини бажармаганлик ёхуд бажариш муддатини ўтказиб юборганлик учун жавобгарлик чораси сифатидаги ЎзР ФК 32- моддасида кўзда тутилган фоизлар ўртасидаги фарқни ҳисобга олишни тавсия этамиз.

Судлар ЎзР ФК 333-моддаси 3-қисмига мувофиқ қарздорда унинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга боғлиқ бўлган мажбурияти бўйича қарзни тўлаши учун зарур бўлган пул маблағларининг мавжуд эмаслиги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексида 327-моддасида кўзда тутилган қарздорни фоизлар тўлашдан озод қилиш учун асос бўла олмаслигини ҳисобга олиши зарур. Суднинг жарималарни камайтириш ҳуқуқи қарз берувчининг ЎзР ФК 325-моддасида кўзда тутилган ҳолатлардаги зарарларни қоплаш ҳуқуқига тегишли эмас.

Шундан келиб чиққан ҳолда суд жарималарини (бинобарин 327-моддада белгиланган фоизларни ҳам) камайтириш ҳуқуқига эга эмас. Бундай ҳолда ундириб олиниши лозим бўлган қиймат қарз берувчи кўрган зарарлардан кам бўлиб чиқади. Биз 326-моддани қўллаш имкониятини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш қийматларини ҳисобга олган ҳолда қиймат миқдори махсус қонун, шартнома ёки 327-модда асосида белгиланганлиги билан боғлаш мумкин эмас деб ҳисоблаймиз.

Шу билан бирга 327-модда талабларига мувофиқ белгиланган қиймат миқдорини тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ мажбуриятлар бўйича муносабатларда, жуда бўлмаганда энг кам миқдор сифатида қараш мумкин. Мазкур ҳолат ЎзР ФК 326-моддасининг 2-қисми асосида суд томонидан эътиборга олиниш лозим.

Жавобгарлик миқдорининг қоида бузиш амалий оқибатларига мос келмаслиги сезиларли ва аниқ бўлиши лозим. Шунга боғлиқ ҳолда қонунда кўзда тутилган, белгиланган асосда ва тартибда жавобгарлик миқдорини камайтиришнинг бунинг учун етарлича салмоқли асос бўлганда айрим ҳолатларда қийматнинг расмий ҳисоби бўйича имкони бўлиши мумкин.

Кредит шартномаси (шунингдек, ҳар қандай бошқа фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси сингари)ни бекор қилиш мавзусининг бош категорияси шартномани бекор қилиш (ўзгартиш) усулидир. Айнан шу усул шартномани бекор қилиш (ўзгартиш)нинг томонлар қўллаган усулига боғлиқ ҳолда ЎзР ФК мувофиқ (28-модда) шартномани бекор қилиш (ўзгартиш) асослари ва тартиби белгиланади. Шартномани бекор қилишнинг асосий усули томонларнинг келишувига кўра уларнинг хоҳиши билан бирон бир чекланишларсиз ҳар қандай лаҳзада бекор қилиш мумкин. Кредит шартномасининг (бошқа ҳар қандай шартноманинг) бекор қилишнинг яна бир усули шундан иборатки, у томонлардан бирининг талабига кўра (ФК 382-моддасининг 2-қисми) (бизнинг ҳолатимизда - қарз берувчи ёки қарз олувчи) бекор қилиниши мумкин. Шартномани бекор қилишининг бу

усулини қўллашда шартномани бекор қилиш қилиш тўғрисидаги талабларни қўйиш учун асос бўлиб хизмат қилувчи ҳолатларни баҳолаш ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бундан ташқари шартнома ЎЗР ФК, бошқа қонунлар ёки шартномаларда (382-моддасининг 2-қисми) кўзда тутилган ҳолатларда томонлардан бирининг талабига кўра бекор қилиниши мумкин. Шунга боғлиқ ҳолда кредит шартномаси тўғрисидаги, шунингдек, қарз шартномаси (кредит шартномасига тегишли бўлган) тўғрисидаги махсус қоидалар қарз берувчининг талабига кўра уни бекор қилишининг 3 махсус асосини кўзда тутати. Буларнинг барчасини қарздорнинг кредит шартномасидаги айрим қўшимча шартларни бузиши билан боғлиқлиги ҳолати бирлаштиради. Ҳар қандай фуқаролик-ҳукукий шартномани бекор қилишнинг оқибатлари шундан иборатки, биринчидан, ушбу шартномадан вужудга келадиган мажбуриятлар тўхтатилади; иккинчидан, шартнома бекор қилинган лаҳзага қадар бажарилган ишлар тақдири белгиланади; учинчидан, бекор қилиш учун асос бўлиб хизмат қилган, шартномани жиддий бузилишига йўл қўйган томонларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги масала ҳал қилинади. Ушбу муносабатларда кўрсатилган ҳолатлар тўлиқ эътиборга олинishi керак.

Ўзининг моҳиятига кўра қатъий ўзгарган ҳолатлар енгиб бўлмас кучни эслатади. Лекин муҳим фарқлар мавжуд: улар шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажарилмаслиги оқибатини олиб келмайди, балки уни бажарлиши барча ҳолатларда мавжуд бўлиши керак, лекин бундай бажариш тарафлар манфаати бузилишига таъсир кўрсатиши мумкин.

ХУЛОСА

Мазкур диссертация ишида ўрганилган материалларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш қуйидаги хулосаларни қилишга ва таклифларни беришга имкон яратади.

Кредит муносабатларининг ривожланиши ва ҳар томонлама такомиллашуви, хусусан уларда банк тизимининг ўрни, мустақил Ўзбекистонда чуқур, кенг ислохотларни амалга оширишда муҳим аҳамиятли бўлиб, бозор муносабатларини ривожлантиришда, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда долзарбдир. Бу Конституциямиз, қонунчилигимиз ва Президентимиз кўрсатмалари қаратилган иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан ривожланиш, барча мулк турлари ривожланиши, самарали тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва бошқа долзарб масалаларни ҳал қилишда муҳим ҳисобланади.

Шу билан бир қаторда, эътиборга олиш керакки, давлат кредит сиёсати билан бир қаторда айрим қарз берувчи ташкилотлар томонидан ҳужжатлар ва манфаатларидан келиб чиққан ҳолда корпоратив кредит сиёсати мавжуд. Агар давлат кредит сиёсати фуқаролик, маъмурий, молиявий ва қисман жиноий қонунчиликка асосланса, корпоратив кредит сиёсати тегишли кредит сиёсатининг чекланган меъёрий ҳужжатларига асосланади

1. Фуқаролик ҳуқуқий мазмундаги “кредит” категорияси қарз мажбуриятини англатиб, у бўйича бир тараф иккинчи тарафга пул суммасини ёки тегишли миқдордаги ашёларни беришни, иккинчи тараф эса белгиланган муддатда аниқ пул суммасини ёки худди шу турдаги ва миқдордаги ашёни қайтариш мажбуриятни олади.

2. “Кредит муносабатлари” категорияси кредит шартномаси ёки тижорат кредити асосида вужудга келадиган мажбуриятни англатади.

3. “Кредит шартномаси” категорияси фақатгина, банк ёки бошқа кредит муассасаси (кредитор) иккинчи тараф қарз олувчига пул маблағлари (кредит)ни келишилган муддат ва миқдорда бериш мажбуриятини, қарздор эса олинган пул миқдорини ва уларнинг фоизини тўлаш мажбуриятини белгиловчи шартномани англатиш учун хизмат қилади.

4. Кредит шартномасининг предмети ашёлар эмас, балки фақат пул бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари, кўплаб кредитларнинг берилиши нақд пулсиз кўринишда амалга оширилади. Шундан келиб чиқиб, кредит шартномаси предмети ашёлар эмас нақдсиз пуллар, яъни талаб қилиш ҳуқуқи бўлиб ҳисобланади.

5. Кредит шартномасининг қарзнинг алоҳида тури сифатида ажратиш учун хизмат қилувчи хусусиятлари сифатида иккитасини кўрсатиш мумкин, булар биринчидан, банк ёки бошқа кредит ташкилотларининг кредит сифатида иштирокчи сифатида мавжудлиги, иккинчидан, шартномаинг консенсуал характери уни иккитомонлама шартнома сифатида тан олинishiга олиб келади, бу банк ва қарз олувчида мажбуриятлар вужудга келишини белгилайди.

6. Кредит шартномасининг предметини аниқлаштирувчи асосий шартларига қуйидагилар киради: кредит миқдори, муддати, уни қарздорга

берилиши тартиби, олинган кредитни қайтариш тартиби ва муддати, кредиторга фоизлар тўлаш муддати ва миқдори. Бошқа ҳар қандай (шартнома предметиға тааллуқли бўлмаган) шартлар фақатгина бир томоннинг махсус аризасига кўра асосий шартлар деб топилиши мумкин.

7. Кредит шартномавий муносабатлари умуман кредит шартномасини тузмасдан ҳам вужудга келиши мумкин. Бунда, банк ҳисобрақами шартномаси бўйича, банк мижос ҳисобида пул бўлмаса ҳам унинг учун тўловни амалга оширган ҳоллари назарда тутилади.

8. Пул қарз мажбурияти бўйича мажбуриятларни бажарилишини таъсинлаш бўйича қоидаларнинг қўлланилиши ноўрин. Бунда, қабул қилинган кредит миқдори тегишли фоизлар билан ҳар қандай ҳолатда ҳам банк-кредиторга қайтарилиши лозим.

9. Фуқаролик кодексининг 744-моддаси қоидаси ўзгалар пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоизларни қонунийлаштирувчи аниқ норма эканлиги асосланмаган. Бунда Фуқаролик кодексининг 743-моддаси қоидаларининг қўлланилиши тўғрироқ деб ҳисобланади.

10. Кредит фаолияти соҳасида ҳуқуқий тартибга солиш масалаларида микромолиялаштириш ҳам ўз ўрнига эга бўлиб, бунда қонунчиликдаги асосий камчиликлар бу, биринчидан, микромолия ташкилотлари шакллари ривожлантириш имконини берувчи норматив қоидаларнинг ривожланмаганлиги, иккинчидан, бир микромолия шаклидан бошқасига ўтишининг юридик механизмининг йўқлиги.

Ушбу вазифани бажариш учун “Микромолиялаштириш тўғрисида”ги Қонунда микромолия ташкилотлари гуруҳларини ажратиш таклиф этилади, уларнинг мезонлари сифатида кўрсатилаётган хизматлар рўйхатини ва мижозлар базаси таркибини аниқлаш зарурлиги кўрсатилди:

а) фондлар ва бошқа, чекланмаган субъектлар доирасида қарз берувчи лекин жамғармаларни қабул қилиши ҳуқуқсиз бўлган иштирокчиликка асосланмаган тижоратчи бўлмаган ташкилотлар;

б) қарз бериш ва жамғармаларни жалб қилиш ҳуқуқига эга бўлган иккидаражали кредит кооперативлари, бирлашмалар ва қарз-жамғарма ассоциациялари, лекин улар фақат микромолия ташкилоти иштирокчиларига хизмат кўрсатади;

в) чекланмаган шахслар доирасида лекин бажарадиган хизматлари чекланган, бу уларни банклардан фарқлайди, тижоратчи микромолия ташкилотлари.

11. Хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда, миллий қонунчиликни қуйидаги мазмундаги норма билан тўлдириш кераклиги ҳақида ҳулоса қилдик: қарздор кредит шартномаси асосида кредитни қуйидаги ҳолатларда олишга мажбур, қачонки кредит унинг олдида ўз мажбуриятларини бажариш учун учинчи шахслар пул маблағларини жалб қилган ҳолда, улар олдида ўзига қўшимча масъулият олади, шунингдек қачонки кредит шартномаси аралаш шартнома сифатида намон бўлиб, ўзида тарафларнинг инвестицион мажбуриятларини акс эттирса.

12. Кўплаб ҳолатларда кредит шартномалари ягона ҳужжат шаклида тузилиб, кредитор ва қарздор тарафидан бўлган ваколатли шахслар томонидан

имзоланади. Шу билан бирга кўплаб ҳолатларда кредит шартномаларини тузишда уларнинг банклар томонидан ишлаб чиқилган намунавий шакллари қўлланади. Бундай шартномалар айрим бўш қисмлари тўлдирилган ҳолда қарз олувчига имзолаш учун тақдим қилинади. Қарздорлар эса ҳеч бир шубҳасиз бундай шартномаларни имзолашади. Кредит шартномасини тузишнинг бундай амалиёти қарздорнинг банк томонидан қўйилган шартларни қабул қилиши сифатида намоён бўлади.

Кредит шартномаларини тузишда вужудга келадиган муносабатлар киришиш шартномасининг ҳуқуқий жиҳатлари билан намоён бўлади. Бундай шартлар Фуқаролик кодексининг 428-моддаси қоидалари билан тартибга солинади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, амалиётда банк кредит шартномаси шартларини белгилашини, кредит олувчи эса банк билан бу масалада тортишишга ҳаракат ҳам қилмаслигини кўрсатишимиз мумкин. Натижада, амалда банк билан кредит шартномасини имзолаш мажбурий тарзда бўлиб қолиши намоён бўлади, бу эса тарафларнинг тенглиги тамойили бузилиши бўлиб ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳисоблаймизки, кредит тизими фаолиятини қайта кўриб чиқиш лозим, бунда кредит шартномасини тузиш шартлари ва муддатларини соддалаштириш керак, қарздорга ҳуқуқлари бузилиши бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи таъминланиши керак.

13. Диссертациянинг алоҳида назарий қоидаларини амалга ошириш амалдаги фуқаролик қонунчилигини такомиллаштиришни назарда тутди. Шу нуқтаи назардан қуйидагилар таклиф қилинди:

– Фуқаролик кодексининг 241-моддаси 2 қисмига ўзгартириш киритиб, уни қуйидагича баён қилиш таклиф қилинди: “Кредитор учинчи шахс томонидан қарздор мажбурияти бажарилишини қабул қилишга мажбур. Агар мажбуриятни қарздорнинг шахсан ўзи ижро этишга мажбурлиги қонун ҳужжатлари, шартнома ёки мажбуриятнинг моҳиятидан англашилмаса, кредитор қарздор учун учинчи шахс томонидан таклиф қилинган ижрони қабул қилиши шарт”;

– Фуқаролик кодексининг 826-моддасини қуйидаги банд билан тўлдириш керак: “Ушбу бобда назарда тутилган қоидалар, мажбуриятни унга юклатилмаган ҳолда учинчи шахс томонидан бажарилиши бўйича муносабатларга нисбатан қўлланади (241-м.);

– Фуқаролик кодексининг 242-моддасига қуйидагича қўшимча киритиш керак: “Нақд пулсиз тартибда амалга ошириладиган пул мажбуриятини бажариш муддати бўлиб, кредитор ҳисобрақамига пул тушган вақт ҳисобланади”;

– Фуқаролик кодексининг 750-моддасини қуйидагича таҳрирда баён қилиш лозим: “Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаларини молия агенти сифатида, кредитор сифатида банк (бошқа кредит ташкилоти) бўлган пул талабидан бошқа шахс фойдасига воз кечишдан ташқари ҳолатларда ҳар қандай тижорат ташкилоти чиқиши мумкин. Кредитор банк (бошқа кредит ташкилоти) бўлган пул

талабидан бошқа шахс фойдасига воз кечишда молия агенти сифатида фақат бошқа абнк (бошқа кредит ташкилоти) чиқиши мумкин”;

– Фуқаролик кодексининг тўртинчи бўлимида “Банк кредити” номли боб ажратиб, унда кредит муносабатларининг барча иштирокчилари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, шунингдек банк тизимини янада ривожланишини таъминлашга қаратилган нормалар киритилиши керак.

– “Кредит беришни рад қилишни асослаш тўғрисидаги Низом” ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши керак. Бу банкнинг кредит беришни рад этишидаги ноқонуний ҳаракатларини олдини олишга хизмат қилади. Ушбу Низомга асосан банк кредит беришни рад этишини тўлиқ ва аниқ асослаб бериши лозим бўлади.

– Кредит берилишини тартибга солувчи норматив ҳужжатларни тизимлаштириш керак. Бу улардаги қайтарилишлар, ўзаро тўғри келмайдиган қоидалар ва ўхшаш нормаларни чиқариб ташлаш ва умумлаштириш имконини бериб, қонун ости ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатлар доирасини қисқартиради, тижорат банклари манфаатларини бир томонлама ҳимоя қилинишини бекор қилади.

– Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Олий Ҳўжалик суди Пленумининг “Кредит шартномаларини тузиш ва бажариш бўйича низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори лойиҳасини қабул қилиш керак.

Диссертацияда қонунчиликни такомиллаштириш бўйича яна бир қатор ҳулоса ва таклифлар асослантирилган бўлиб, уларнинг қабул қилиниши кредит тизимининг ижобий ривожланиши, унинг самараси ошишига олиб келади, бу эса ўз навбатида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожига вазифаларни ҳал қилишда ва аҳолининг бойишида координал равишда муҳим ҳисобланади.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

Монографиялар

1. Суюнова Д.Ж. Проблемы заемно-кредитных обязательств в системе гражданских правоотношений: монография. –Т.: ТДЮИ, 2010. – С.220.
2. Суюнова Д.Ж. Комментарий к главе 41 Гражданского кодекса Республики Узбекистан. –Т.: «SMA-ASIA», 2011. –С.647–678.

Журналдаги мақолалар

3. Суюнова Д.Ж. Проблемы международно - правового регулирования инвестиционных отношений // Вестник Высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан. – Т., 2008. –№ 3. – С. 79–82.
4. Суюнова Д.Ж. Современные особенности расследования преступлений при потребительском кредитовании // Бюллетень Верховного суда Республики Узбекистан. –Т., 2008. – № 5. –С.38–40.
5. Суюнова Д.Ж. Особенности правового регулирования отношений кредитора с обязанными лицами // Обзор законодательства Узбекистана. –Т., 2008. – № 1. –С.24–26.
6. Суюнова Д.Ж. Просрочка погашения денежного долга по займу // Юридические науки. –М., 2008. –№ 4. –С.87–88.
7. Суюнова Д.Ж. Современные особенности субсидиарных обязательств // Актуальные проблемы современной науки. –М., 2008. –№5. –С.41–42.
8. Суюнова Д.Ж. Прекращение обязательства по взаимному соглашению сторон // Хуқуқ ва бурч. –Т., 2009. –№ 1. –С.66–68.
9. Суюнова Д.Ж. Правовые основы договоров займа и кредита // Фалсафа ва ҳуқуқ. –Т., 2009. – № 2. –С.75–78.
10. Суюнова Д.Ж. Правовые основы кредитования сельской кооперации // Вестник Высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан. –Т., 2009. –№2. –С.83–85.
11. Суюнова Д.Ж. Социально-экономическая эффективность кредитования малого бизнеса // Общественное мнение. Права человека. –Т., 2009. –№2. –С.15–17.
12. Суюнова Д.Ж. О ничтожности сделок, противных основам правопорядка // Ведомости Высшего хозяйственного суда. –Т., 2010. –№1. – С.82–85.
13. Суюнова Д.Ж. Определение содержания кредитного договора // Обзор законодательства Узбекистана. –Т., 2010. – № 1–2. –С.39–40.
14. Суюнова Д.Ж. Современные особенности заемного обязательства в системе гражданских правоотношений // ТДЮИ Ахборотномаси. –Т., 2010. –№ 3. –С.51–53.
15. Суюнова Д.Ж. Организационно-правовые основы заключения и оформления договоров займа и кредита // Бюллетень Верховного суда Республики Узбекистан. –Т., 2010. –№ 3. –С.40–43.

16. Суюнова Д.Ж. Правовое положение кредитора как обязанного лица // Обзор законодательства Узбекистана. –Т., 2010. –№ 3–4. –С.10–13.
17. Суюнова Д.Ж. Проблемы правового регулирования кредитных отношений // Научные труды «Адилет». –Алматы, 2010. –№ 4. –С.70–76.
18. Суюнова Д.Ж. Современные способы обеспечения договорных обязательств: национально-правовое и международно-правовое регулирование // Вестник Высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан. –Т., 2011. –№ 3. –С.82–86.
19. Суюнова Д.Ж. О вопросах прекращения, расторжения кредитного договора и условий его изменения // Обзор законодательства Узбекистана. –Т., 2011. –№ 1–2. –С.5–10.
20. Суюнова Д.Ж. Правовые проблемы определения ответственности за нарушение кредитного договора // Бюллетень Верховного суда Республики Узбекистан. –Т., 2011. –№ 5. –С.46–48.

Конференциялар

21. Суюнова Д.Ж. Правовые аспекты определения условий кредитного договора // Труды международной научно-практической конференции «Роль здорового образа жизни в формировании акмеологических взглядов молодежи». –Т., 2008. –С.254–255.
22. Суюнова Д.Ж. Особенности международно-правового регулирования кредитно-денежных отношений // «Замонавий халқаро муносабатлар» мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами (2008 йил май). Тезисы докладов научной конференции. –Т.: ЖИДУ, 2008. –Б.129–133.
23. Суюнова Д.Ж. Некоторые проблемы применения права при заключении кредитного договора // Материалы Республиканской научно-практической конференции «Духовно-этические, правовые, экологические, валеологические, акмеологические и экономические вопросы воспитания гармоничного развитого поколения». –Т., 2010. –С.109–110.
24. Суюнова Д.Ж. Необходимость изучения проблем правового регулирования заёмных и кредитных отношений // Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар ва уларнинг аҳамияти. Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Т., 2011. –С.64–65.

Юридик фанлар доктори илмий даражасига талабгор Суюнова Дилбар Жолдасбаевнанинг 12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи; тадбиркорлик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; халқаро хусусий ҳуқуқ ихтисослиги бўйича “Ўзбекистон Республикасида кредит муносабатларининг ҳуқуқий тартибга солиниши ва уни такомиллаштириш муаммолари” мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: кредит, кредит муносабатлари, кредит шартномаси, мажбуриятлар, ўзгалар маблағларидан фойдаланиш учун фоизлар, тадбиркорлик фаолияти.

Тадқиқот объектлари: Кредит шартномавий муносабатлари бўйича мажбуриятларининг вужудга келиши, бажарилиши, ўзгартирилиши ва тўхтатилиши жараёнида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлар тадқиқот объектидир.

Ишнинг мақсади: Диссертация тадқиқотининг асосий мақсадлари: кредит муносабатларини ҳар томонлама, комплекс илмий-назарий таҳлил қилиш; кредит муносабатларини ҳуқуқий бошқаришни тадқиқ қилиш; кредит пул мажбуриятларини тартибга солувчи меъёрларни қўллаш амалиётини ўрганиш; кредит муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш муаммоларини таҳлил этиш ва ҳ.қ.

Тадқиқот методлари: Ишда қиёсий-ҳуқуқий, тизимли-ҳуқуқий усуллар, мантикий-таҳлил усули ва тадқиқотнинг бошқа усулларида фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Диссертация тадқиқотининг илмий-амалий аҳамияти унинг долзарблиги, илмий янгилиги ҳам назарий, ҳам амалий хусусиятдаги хулосалари билан белгиланади.

Амалий аҳамияти: Тадқиқотда келтирилган мулоҳазалар ва хулосалардан кредит муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрларни такомиллаштириш, ҳуқуқий тартибга солишнинг аниқланган нуқсонлари, зиддиятлари ва етишмовчиликларини бартараф қилиш мақсадлари борасидаги қонунчилик фаолиятида, қарз бериш муносабатларини келгусидаги илмий ўрганишда, ҳуқуқни қўллаш фаолиятида, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш учун фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва самарадорлиги: Тадқиқот материалларидан фуқаролик ва банк ҳуқуқи бўйича илмий изланишларда, “Фуқаролик ҳуқуқи”, “Банк ҳуқуқи” фанларини, “Шартнома ҳуқуқи” ва бошқа махсус курсларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: банк қонунчилигини тақомиллаштириш, фуқаро ва банк ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш. Тадқиқот материалларидан ўқув жараёнида ҳамда илмий амалий ишлар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Суюновой Дилбар Жолдасбаевны на тему: «Правовое регулирование кредитных отношений в Республике Узбекистан и пути его совершенствования» на соискание ученой степени доктора юридических наук по специальности 12.03.00 – Гражданское право; предпринимательское право; семейное право; международное частное право

Ключевые слова: кредит, кредитные правоотношения, банковские кредитные операции, кредитный договор, обязательство, проценты за пользование чужими денежными средствами, предпринимательская деятельность.

Объекты исследования: правоотношения, складывающиеся в процессе возникновения, исполнения, изменения и прекращения кредитных договорных обязательств.

Цель работы: комплексный, концептуальный, научно-теоретический анализ кредитных отношений и их правового регулирования; изучение практики применения норм, регулирующих кредитные денежные обязательства; выявление проблем правового регулирования кредитных отношений; разработка предложений по совершенствованию законодательства и правоприменению института кредитования в условиях рыночной экономики.

Методы исследования: сравнительно-правового, системно-правового, структурного, логического анализа и др.

Полученные результаты и их новизна: Научная новизна диссертационного исследования состоит в том, что проведен комплексный, концептуальный монографический анализ правового регулирования кредитных отношений. В диссертации впервые осуществлено системное изучение банковского кредитования с учетом закономерностей и гражданского, и банковского права; углубленное исследование сущности, правовой природы банковского кредитования, сделан сравнительный анализ понятия «кредит» с экономической и правовой точки зрения, рассмотрены основные виды банковских кредитов, раскрыто понятие «кредитной операции», выявлены ее отличия от «кредитной сделки»; выделены составляющие кредитной операции.

Практическая значимость: результаты исследования определяются его актуальностью, научной новизной и выводами как теоретического, так и практического характера. Содержащиеся в исследовании положения и выводы могут быть использованы в законотворческой деятельности по совершенствованию правовых норм, регулирующих кредитные отношения, в целях устранения выявленных недостатков, противоречий и пробелов правового регулирования, при дальнейшем научном изучении кредитных отношений, в правоприменительной деятельности и унификации правоприменительной практики.

Степень внедрения и эффективность: Материалы исследования могут быть также использованы в работах по гражданскому и банковскому праву и в процессе преподавания учебных курсов «Гражданское право», «Банковское право», специальных курсов «Договорное право» и др.

Область применения: совершенствование банковского законодательства, правоотношений между гражданами и банками. Материалы исследования могут быть применены при создании научно-практических трудов и в учебном процессе.

RESUME

of the Thesis of Suyunova Dilbar Joldasbaevna on "Legal Regulation of Credit Relations in the Republic of Uzbekistan and Ways of its Improvement" for obtaining the degree of Doctor of Law on specialty 12.03.00 - Civil Law, Business Law, Family law, Private International Law

Keywords: credit, credit legal relationships, bank credit operations, loan agreement, the obligation of interest for using other people's money and business activities.

Subject of research: legal relationship in the process of arising, execution, amending and termination of credit contracts

Purpose of work: comprehensive, conceptual, scientific and theoretical analysis of credit relations and their legal regulation; study of the practice of application of the norms governing credit liabilities; identification of problems of legal regulation of credit relations; drafting of proposals for improving legislation and enforcement of lending institution in a market economy.

Methods of the research: comparative law, systematic legal, structural, logical analysis and etc.

The results achieved and their novelty: the scientific novelty of the dissertation is that comprehensive and conceptual monographic analysis of legal regulation of credit relations has been conducted. Credit system of banks has been systematically studied for the first time in the thesis taking into account of the laws, civil and banking law, namely, an in-depth study of the essence, the legal nature of bank credit, comparative analysis of the concept of "credit" from the economic and legal point of view has been made, main types of bank loans has been reviewed, the concept of "credit transaction" is disclosed, its differences from the "credit transaction" has been identified, components of a credit transaction has been also identified.

Practical value: this research is determined by its relevance, scientific novelty, and the findings of both theoretical and practical nature. Provisions and findings contained in the research can be used in legislative activities to improve the legal rules governing the credit relationships, to eliminate identified deficiencies, inconsistencies and gaps in legal regulation, for further scientific study of credit relations, in law enforcement activities and for the unification of law enforcement practice.

Degree of embed and economic affectivity: the research materials can also be used in studies of civil and banking law and in the process of teaching Civil Law, Banking Law, special courses of Contract Law and etc.

Field of application: improving banking legislation, legal relationship between citizens and banks. Research materials can be used in writing of scientific and practical works and in educational process.